



## "УМИД НИҲОЛЛАРИ" СПОРТ ЎЙИНЛАРИ ҚАТНАШЧИЛАРИГА

Азиз ўғил-қизларим!

Аввало, барчангизни гўзал ва бетакрор диёризининг олтин водийси бўлмиш Фарғонада спорт ва ёшлик байрами — "Умид ниҳоллари" мусобақалари бошланиши муносабати билан чин қалбимдан самимий муборакбод этаман.

Табиийки, дунёдаги ҳар қайси ота-она, ҳар бир миллат ва ҳалқ ўз фарзандларини соғлом ва баркамол қиёфада кўришни орзу қиласди. Сиз, ёшларнинг тимсолингизда биз буюк келажагимиз бунёдкорларини, юксак мақсад-муддаоларимизни ўзида мужассам этган, ҳалқимизнинг ҳақиқий умиди, таянчи бўлган соғлом ва баркамол авлодни кўрамиз ва фахрланамиз.

Бугун тантанали суратда бошланаётган "Умид ниҳоллари" ўйинлари — ёшларни спортга жалб этиш бўйича мамлакатимизда яратилган яхлит тизимнинг муҳим узвий босқичи сифатида — барча мактаб ўқувчиларини қамраб олаётгани, айниқса, эътиборга сазовордир. Бу эса, жисмоний тарбия ва спортни жамиятимизда кучли оммавий ҳаракатга айлантиришдек эзгу мақсадни изчиллик билан амалга оширишда муҳим аҳамият касб этиши шубҳасиз.

Қадрли фарзандларим!

Сизларнинг чуқур, замонавий билимлар олиш ва маънавий юксалиш билан

бир қаторда, спорт мусобақаларида қатнашишингиз, қизғин кураш ва беллашувларда жисмоний чиниқиб, иродангизни тоблаш, қийинчиликларни енгиш йўлидаги интилишларингиз келгуси ҳаётингизда янги-янги ютуқларга эришишда, ҳар томонлама етук инсонлар бўлиб вояга етишингизда мустаҳкам пойдевор бўлишига ишонаман.

Бу спорт ўйинлари йилдан-йилга сизларнинг қувватингизга қувват, ғайратингизга ғайрат қўшиб, биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта баҳтли бўлишингиз учун пухта замин яратади. Ўғил-қизлари ана шундай фазилатларга эга бўлган мамлакатнинг эса истиқболи албатта ёруғ бўлади.

Мана шу ҳаяжонли дақиқаларда сиз, озод юртимизнинг баҳтиёр фарзандларини бугунги шодиёна билан яна бир бор кутлар эканман, сизларнинг ёшлик шиҷоатингиз, салоҳият ва имкониятларингиз кўзгуси бўлмиш мусобақаларда барчангизга зафарлар тилайман.

Азиз фарзандларим, Ватан тинчлиги ва фаронвонлиги, унинг буюк келажаги йўлида эл-юртнинг таянчи ва фидойиси бўлиб яшаш саодатини ҳар нарсадан баланд тутинг.

Барчангизга сиҳат-саломатлик, баҳт ва омадтилайман, ғалаба доимо сизларга ҳамроҳ бўлсин!

**Ислом КАРИМОВ,  
Ўзбекистон Республикаси  
Президенти**



## БИЗ ВАТАН ФАРЗАНДЛАРИ, УМИД НИҲОЛЛАРИ



Ўзбекистоннинг 11 ёшга қадам кўйиши, баҳор фасли ва "Умид ниҳоллари" спорт байрами. Буларнинг ўртасида узвий боғлиқлик, ўхшашик бор. Ҳолбуки, ниҳол — бу ҳали жуда ёш, у йилнинг бошланиш фасли — баҳорда барқ уриб ривожланади. "Кичик олимпиада" деб номланаётган мазкур спорт ўйинларида жами бўлиб 5 млн. 700 минг ўқувчи-ёшлар иштирок этади. Кўзланган мақсад аниқ ва кенг кўламли. Мазкур спорт

ўйинлари ўқувчиларни фойдали, мазмунли ҳаракатга йўналтиради, уларда ғалабага интилиш, жамоа сифатида бирлашиш фазилатларини тарбиялайди, баркамол авлодни тайёрлаш вазифаларини бажаради. Шунингдек, спорт ёшларимизнинг болалик йиллариданоқ кундалик эҳтиёжига айланшига ҳамда мамлакатимиз спорт заҳираларини тўлдириб боришга хизмат қиласди.

(Давоми 3-4-бетларда)

ГАЗЕТАНИ ВАРАҚЛАТИДА:	ЯНГИ ШАРОИДАГИ ЯНГИЧА МУНОСАБАТЛАР 2-бет	УМИДЛИ ЁШЛАР ҚЎЛИДАГИ МАШЬАЛА 2-бет	МУАЛЛИМ - ЭНГ УЛУФ КАЛОМЛАР СИРАСИГА КИРАДИ 5-бет	ТИНЧЛИК БУЮК НЕЙМАТ 7-бет	ХОТИРА УЙҒОНСА ГЎЗАЛДИР 8-бет	ТАШИБ КЕТИЛГАН “ОҚ ОЛТИНЛАР” 13-бет	ТЕЛЕДАСТУРЛАР (Келгуси ҳафта тедедастурлари билин танишининг) 14-бет
--------------------------	--	---	---	------------------------------------	--	---	---

# ЎЗБЕКИСТОН-ЭРОН: ЯНГИ ШАРОИТДАГИ ЯНГИЧА МУНОСАБАТЛАР

**26 апрель куни Эрон Ислом Республикаси  
Президенти Сайид Мұхаммад Хотамий  
расмий ташриф билан Ўзбекистонга келди**

Пойтахтимиздаги "Дўрмон" қароргоҳида Эрон Президентини расмий кутиб олиш мағосими бўлди. Олий мартабали мөхмөн шарафига фахрий қоровул саф торти. Ислом Каримов ва Мұхаммад Хотамий шоҳсупага кўтарили. Давлат мадҳиялари янгради.

Кароргоҳда аввал президентлар яккама-якка сұхбатлаши. Мулокот чогида ўзаро муносабатларга оид масалаларнинг кенг қамрови мухоммаси бўлиб ўтди. Ҳамкорликнинг бугунги ахволи ва истиқболи юзасидан фикр алмашиди. Томонлар савдо-иктисодий алоқаларни янада кенгайтиришга, транспорт коммуникацияси ва сармоя соҳаларида ҳамкорликни равнақ топтиришга алоҳида эътибор қаратди.

Шунингдек, ҳалкаро миёсдаги масалалар юзасидан ўзаро фикр алмашиди. Жумладан, террорчилк муаммоси, Афғонистонда барқарорликнинг мустаҳкамланиши, иқтисодиётнинг тикланишига оид масалалар кўриб чиқиди.

Икки мамлакат расмий делегацияларининг кенгайтирилган тартибдаги музокараларидаги Ўзбекистон билан Эрон расмий ташрифи шериклик ва ҳамкорлик алоқаларига оид масалалар мухоммама этилди. Иқтисодий ҳамкорликни ривожлантиришнинг имкониятлари кўплиги, икки давлат ўз салоҳиятни тўлалигича ишга солиб, алоқаларни янги босқичга кўтарса, бундан нафакат Ўзбекистон ва Эрон, балки минтақадаги кўплаб бошқа мамлакатлар ҳам фойда кўриши қайд этилди.

Таъкидламоқ жоизи, Ўзбекистон-Эрон иқтисодий ҳамкорлигининг салмоқли қисми транспорт коммуникацияси соҳасига тегишилди. Ўзаро алоқалар, айниқса, шу соҳада кенг ривожланмоқда. 1996 йилда Ўзбекистон Эрон худуди орқали 34 минг тонна юк ташиган бўлса, 2001 йили бу борадаги кўрсаткич 487 минг тоннани ташкил этди. Ўзбекистон худуди орқали эса ўтган йили Эроннинг 750 минг тонна транзит юки олиб ўтилган.

Бевосита савдо-иктисодий муносабатларга келсан, мамлакатимизда эллика яқин Ўзбекистон-Эрон кўшма корхонаси ишлаб туриди. Уларнинг аксарияти тўлалигича

Эрон ишбилиармонлари сармояси ҳисобига барпо этилган ва асосан ишлаб чиқариш билан шуғулланади. Ўзаро товар айрибошлиш ҳажми ҳам ортиб бормоқда. Ўтган йили бу борадаги кўрсаткич 11 фоизга ошиди.

Музокараларда бундай ютуқлар мамнуният билан таъкидланиб, эндиликда транспорт коммуникацияси билан бир қаторда, банк, молия соҳаларида, чегарадан ўтишга доир ҳужжатларни расмийлаштириш ва ўзаро тўловларни соддлашириш борасида ҳам ҳамкорликни кенгайтиришга олиниб олиниди.

Мамлакатимиз Жануби-шарқий Осиё минтақасига асосан Эроннинг Бандер Аббос ва Чобаҳор портлари орқали чиқади. Айни пайтада Эронда ўйл инфратизилмаларни ривожлантириш борасидаги лойиҳалар ҳаётга татбиқ этилмоқда. Мутахассисларнинг фикрича, ишлар ниҳоясига етганидан кейин Ўзбекистонни денгизга олиб чиқадиган ўйл минг километрга кисқаради.

Шунингдек, ҳозир Афғонистон орқали қатновларни йўлга кўйиш долзарб масалага айланган. Гап Термиздан Афғонистоннинг Мозори Шариф ва Хирот шаҳарлари орқали Эронга туташадиган ўйл ҳақида кетаяпти. Албатта, бу йўлдан биринчи галда Афғонистон катта фойда кўради. Минглаб одамлар ишга жалб этилади, катта-катта сармоя маблағлари ўзлаштирилади. Курилиш ва таъминаларни ишларни ниҳоясига етганидан кейин Афғонистон транзит солиги олиш билан бирга, катта миқдордаги иш кучини янги ўйл инфратизилмасига жалб этиши мумкин.

Музокаралардан кейин ўтказилган матбуот анжуманида Президент Ислом Каримов таъкидлаганидек, шу боис ҳам Афғонистон мувакқат ҳукумати раҳбари Ҳамид Карзай мамлакат худудида ҳалкаро транспорт коммуникацияси тизимињнинг янги тармоги барпо этилишини кизғин кўллаб-куватламоқда. Афғонистон орқали ўтадиган йўлларнинг Ўзбекистон ва Эрон учун нечоғли фойдалилигини эса гапиришга ҳожат ўйк.

Музокаралар якуннада Ислом Каримов ва Мұхаммад Хотамий Ўзбекистон ва Эрон президентлари ўтасидаги му-

зокаралар якунни юзасидан кўшма баёнотга имзо чекди. Мамлакатларимиз ўтасида икки томонлама солиққа тортилишига йўл қўймаслик, даромад ва сармоя солиқларига таалукли маълумотларни алмаши, транспорт воситаси ҳайдовчилари учун виза масалаларни ингилаштириш, ташқи сиёсат ва ташқи иқтисодий алоқалар маҳкамалари ўтасида, шунингдек, Ўзбекистон Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси билан Эроннинг Савдо, саноат ва төғ-кон саноати палатаси ўтасида ҳамкорлик тўғрисидаги ҳужжатлар имзанди.

Матбуот анжуманида Ислом Каримов Эрон Президентининг Ўзбекистонга ташрифи нафақат икки томонлама алоқалар, балки минтақавий интеграция ривожида мухим аҳамият касб этишини таъкидлади. Эрон томони эса ушбу ташрифни ўзаро муносабатлардаги бурилиш нұқтаси деб атади.

Президент Ислом Каримов Ўзбекистон-Эрон муносабатлари ҳуқуқий асосининг бойиши мамлакатларимиз ўтасидаги ҳамкорлик алоқаларининг кўлами янада кенгайшига хизмат қилишини таъкидлади. Бир сўз билан айтганда, Ўзбекистон билан Эрон дунёда юзага келаётган янги шароитда янгича муносабатларни қарор топтиримокда.

Эронлик олий мартабали мөхмөн пойтахт марказидаги Темурийлар тарихи давлат музейига ташриф буорди. Мұхаммад Хотамий улуғ саркарда Амир Темур ва унинг авлодлари ҳаётига оид экспонатларни кўздан кечирадар экан, мамлакатимиз мустақилликка эришгач, миллий қадриятларни тиклаш ўйлида кўплаб ҳайрли ишлар амалга оширилганини таъкидлади. Соҳибқорон номи билан аталаувчи музейнинг бунёд этилиши ҳам ана шундай ҳайрли ишлар сирасидандир.

Эрон Президенти ўз ташрифи доирасида Ўзбекистон Фанлар академиясида шарқшунос олимлар билан учрашиди. Учрашувда «Цивилизациялар мулоқоти ва Шарқнинг ривожланиши» мавзууда гап боради. Самарқанд ва Бухоро шаҳарларини зиёрат қиласи.

Анвар БОБОЕВ,  
ЎзА мухбери.

"Кадрлар тайёрлаш миллий дастури"нинг асосий тамоилиларидан бири бу таълим тизимидаи узвийлик ва узлуксизлик тамоили ҳисобланади. Умумий урта, урта маҳсус қасб-хунар ҳамда олий таълимдан иборат булган узлуксиз таълимнинг учала бугининг бир-бирига боғлиқларини ошириш ва ягона тизимга айлантиришда бошқа соҳалар каби спортнинг ҳам урни бекеёс. 2000 йил асос солинган таълим тизимининг узлуксизлик таълабирига уйғулашган доимий фолиятдаги уч боқсичи оммавий спорт тизимининг асосий боқсичи — "Умид ниҳоллари" спорт мусобақаларининг финал қисмига 24 апрель куни Фарғона шаҳрида старт берилди.

"Умид ниҳоллари" спорт мусобақаларининг машъаласи ҳам Тошкент вилояти Паркент tumанида жойлашган "Физика-қўёш" илмий ишлаб чиқариши марказида илк бора маҳсус ритуал асосида ёқилди. Ушбу ритуалнинг асосий мақсади маросим тадбирлари орқали укувчилар қалбда жисмоний тарбия ва спортта қизиқиши ортириш, соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, ҳис-туйғусини шакллантириш ҳамда укувчиларнинг жисмоний ва маънавий жиҳатдан баркамол инсон қилиб вояға етказиш, миллий гурунни шакллантириш, бир Ватан, бир миллат, бир ҳалқ тушунчасини ривожлантиришдан иборат булганлиги сабабли ҳам унга республикамизнинг барча ҳудудларидан билимли, хулқи-одоби билан алоҳида ажralиб турувчи умидли ёшлар таълиф этилиб, машъала ёқилди. Дунёда фақатина Франция ва Ўзбекистондагина мавжуд булган "Физика-қўёш"

Спортчилар уз вилоятларига қараб жойлашиди.

Соат 8.00.

Тадбирнинг очилиш маросимига ташриф буюрган ҳукумат вакиллари, таникли спорчилар минбар олдига тақлиф этилди.

Радиокарнайлардан очилиш маросимини бошлашга ундоччи сигнал мусиқаси берилгач, Ўзбекистон Республика мадҳияси янгради.

Мадҳия бошланиши билан машъала ёқилиб, тадбир қатнашчилари қулини кўксига кўйган ҳолда мадҳия жур булишиди. Шундан сўнг күёш концентранти биноси ичидаги спорчилардан бири машъала билан бино томига кўтарилиди.

Қўёш концентранти устида машъала куттарган спортчи машъалани боши узра баланд кўтариб спортчиларга топшириди. Спорт фахрийлари машъалан қабул қилиб, маълум мағофа олиб бориши ва эстафета қатнашчиларига топширишиди.

Ёш спортчи машъалани боши узра баланд куттарган ҳолда югуриб "Қўёш" илмий ишлаб чиқариши бирлашмаси дарвозасидан чиқиб кетди. "Умид ниҳоллари" спорт мусобақалари машъаласини қишлоқ кўчалари бўйлаб олиб бориши тадбирларини Паркент tumанидаги 1-мактаб укувчилари бошлаб берилди.

Туман ҳудудидан машъалан олиб ўтиш жараёни йўлнинг икки четига саф тортган укувчилар, маҳалла аҳли, спорт фахрийлари томонидан кузатиб борилди. Йулда жойлашган аҳоли манзилгоҳларидан укувчилар зўр қизиқиши билан машъалан кутуб олардилар. Соат 13.00 га яқинлашганда

## УМИДЛИ ЁШЛАР ҚУЛИДАГИ МАШЪАЛА

илемий ишлаб чиқариш марказининг 2006 градусли кўёш учогида алантага олган машъала Фарғонага йўл олди.

22 апрель. Ҳар бир вилоядан битадан мураббий кузатувчилигида келган 4 нафар ўсмир ва турт нафар қизлар машъаланинг очилиш маросими тадоригини утказгач, "Кумушкон" дам олиш зонасида Паркент tumани мадданий ўйи томонидан уюширилган мадданий тадбирларда иштирок этиб дам олдилар.

23 апрель. Паркент tumанининг Юқори Чирчиқ tumани билан чегарадош ҳудудида "Умид ниҳоллари" спорт мусобақаси қатнашчиларига алангали салом шиори ёзилган. Йул четларига фестивал байроқлари урнатилган. Қўёш обьектидаги концертатор курилмаси устида Ўзбекистон Республикаси байроғи хилпираб туриди.

Тадбир митинги булиб утадиган майдончага чизиклар чизилиб, керакли белгилар қўйилган.

Майдонда 112 нафар спорт мусобақаси қатнашчилари ой шаклида гелиостатлар (нурни қайтарувчи) мосламаларга қараб жойлашган.

Уларнинг орқа томонидан оралиқ масофа қолдирилиб, унлаб бир хил форма кийган укувчи талабалар Узбекистон Республикаси байроқларни кутариб жойлашиди. Гелиостатлар атрофидаги панжаралар ёнига оралиқ масофани бир хил ҳолатда сақлаган ҳолда атлас кўйлакли қизлар ва оқ кўйлак, қора шим кийган ёшлар турли рангдаг фестивал байроқлари билан жойлашиди. Тадбир қатнашчиларини дарвоза олдида карнай-сурнайлардан иборат миллий кийимдаги соандалар гурухи кутуб олди.

Карнай-сурнайлар чалиниб байрам тадбирларига чорлов бошланди. Спорчилар, байроқ ва тулдаста кутарган жойлашиди. Радиокарнайларнинг гувоҳи булишиди. Машъала туш пайти Фарғонага кириб келди ва Ангрен. Кўқон шаҳарларида булгани каби спорт мусобақаларининг тантанали очилиш маросимига қадар ҳокимиятга қурилыш учун топширилди.

Масофанинг бошидан охиригача ДАН ва соглиқни сақлаш ходимлари вазиятни назорат қилиб боришиди. Туман ичидаги шаҳар, қишлоқлар узаро машъалан қабул қилиши-топшириши ерида бир-бирларини мусиқа садолари остида укувчи, маҳалла аҳли билан биргана кутуб олдилар, жойларда байрам кайфиятини ташкил килдилар.

Жаҳонгир МУСАЕВ

## ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 26 апрель куни Оқсаройда Япония ташқи ишлар вазирининг катта ўринбосари Сейкен Сугиурани қабул қилди.

Таъкидламоқ керакки, Ўзбекистон билан Япония ўтасидаги алоқалар жадал ривож топмоқда. Биргина савдо-иктисодий соҳа олинидаган бўлса, ўтган йили ўзаро савдо ҳажми икки барабар ошгани қайд этилди. Айни пайт-

да япониялик ишбилиармонлар кўплаб иктисодий лойиҳаларимизда фаол иштирок этиб келмоқда. Лекин икки ўтада ҳали ишга солинмаган имкониятлар ҳам кам эмас.

Оқсаройдаги учрашувда ўзаро ҳамкорликни бугунги ахволи ҳамда истиқболи, ҳар томонлама алоқаларни янада ривожлантиришга оид масалалар юзасидан фикр алмашиди.

(ЎзА).

**ФАРГОНАДА  
“УМИД  
НИҲОЛЛАРИ”  
СПОРТ  
МУСОБАҚАЛАРИ  
ДАВОМ  
ЭТАЯПТИ**  
**26-27 апрель**

(Давоми. Боши 1-бетда)

Фаргона ахли, республикада-ги барча ўкувчилар кутган ажойиб кун ниҳоят етиб келди. Фаргона шаҳридаги 25 минг кишига мўлжалланган марказий “Нефтчи” ўйингоҳи томошабинлар билан тўлди. У ерга мўлжалданда-ги 20 минг ўрнига 29 минг



киши ўйифиди.

Ўкувчилар бир овоздан “Биз Ватан фарзандларимиз, умид ниҳоллари” деб бошланадиган қўшиқни ижро этишди. Эҳтимол, мазкур қўшиқ келажакда “Умид ниҳоллари” мадҳиясига айланниб қолар.

Майдонга мамлакатимиз байроғи ва “Умид ниҳоллари” байроғи тантанали олиб кирилди.

Барча вилоят вакиллари алоҳида байроқлар остида саф тортдилар.

Фаргона вилояти ҳокими, Олий Мажлис депутати Алишер Отабоев барча меҳмонларни Марказий Осиёнинг гавҳари — гўзал Фарғонага хуш келибсизлар, дея спорт байрами билан кутлади.

Ўзбекистон Республикаси

Президенти Ислом Каримов-нинг “Умид ниҳоллари” спорт мусобақаси иштирокчilariiga йўллаган табригини Президент-нинг Давлат Маслаҳатчиси Тўхтапўлат Рисқиев ўқиб эшиттириди.

Спортчи ўкувчилар қўллари кўксida, бутун ўйингоҳ ахли

жажжи ўғил-қизлар, ўсминалар билан жуда кўп ва пухта ишланлари сезилиб туриди. Ҳар ҳолда, болалар санъатини бирбирига, ёшига қараб босқичмабосқич bogлаш, уни қўёмага етказишнинг ўзи бўлmasa керак. Мана шу ишларни ниҳоясига етказиш учун Фарғонадаги марказий “Нефтчи” ўйингоҳида кариб 15 кун машғулотлар олиб борилди. Уларда туман ва шахарлардан танлаб олинган юзлаб санъатсевар, спортчи ўғил-қизлар қатнашдилар.

Бу каби байрам шодиёнала-ри нафақат қишилар кайфият-руҳиятини қўтаришга хизмат қиласди, балки ундан кўзланган мақсадлар ҳам бор. Ўкувчи ёшлар тадбирда санъат ва спорт воситалари орқали муқаддас Ватанинг ҳар қандай ҷаҳирик-ларига ўзларининг аъло ўқишилар, спорт ва санъатда эришадиган мұвафакиятлари орқали Ўзбекистоннинг шуҳратини дунёга ўйишга тайёр эканларини кўрсатдилар. Бахтиёр болалик тараннум этилди.

Таваккал Кодировнинг “Фарғона тонг отгужча” ашуласи қўйилди. Қўшиқнинг давомини ўкувчи бола ижро этиди. Бундай санъат услубини кўллашнинг ўзига хос рамзий маъноси — улуғ қишилар, устозлар бошланган ишни, тутган йўлни ёшлар давом этиришига ишора.

Жажжи қизлалоқлар рақс тушиди. Бу ишни улар қойилати бажаришди. Болалардаги санъатга бўлган алоҳида чанқоқлик ва бадиий раҳбарларнинг самарали меҳнатлари омухталашиб, натижада ажойиб ўкувчилар рақс гурухи дунёга келди.

Майдонда ҳавога юзлаб шарлар қўтарили. Болаларнинг шўх-қийқириклари, барчани тўлқинлантириди.

Ўкувчи-ёшлар чет тилларида ҳам машҳур қўшиқларни ижро

этишди. Уларнинг ўйинлари, ҳар бир ҳаракатида болаларча шўхлик, қувноқлик, эркинлик сезилиб турди. Байрам дастурини таникли ёш эстрада гурухлари ва хонандалари давом этиришиди.

Режиссрлар, мусобақа ташкilotчilari ва муҳлисларнинг фикрича, мазкур байрамда ўтган давордаги байрамлар, масалан, “Универсиада”, “Баркамол авлод” каби шодиёналарга нисбатан бир оз ўсиш борлиги ва саҳна чиқишиларда ўзига хослик кўзга ташланди. Томошаларнинг яна бир алоҳида хусусияти шундан иборатки, бундаги барча ижроилар асбасан мактаб ёшидаги болалардан ташкил топди. Улар орасида бошлангич синф ўкувчилари ҳам борлиги томошабинларда хайрат уйғотмай қолмади.

Ўзбекистон байроғини барча спортчилар бирлашган ҳолда тепага қўтариб, қўйма-қўй узатишлари ҳам тақрорланмас, жозибали ҳол бўлди.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизи, Ўзбекистондан бошқа бирорта мамлакатда ўкувчилар, талабалар, ёшлар спортини

оммавий равишда ривожлантиришга катта аҳамият берилает-гани йўқ. Юртимизда бу масалага хукумат даражасида замхўрлик билан қаралаяти.

“Нефтчи” ўйингоҳи узра “Хеч кимга бермаймиз сени, Ўзбекистон” қўшиги янграганида, бутун ўйингоҳни, шаҳар марказини болаларнинг, ёшларнинг шодон ҳайқириги тутиб кетди. Мана буни чин маънода ўкувчилар байрами, спорт шодиёнаси, оммавий маросим деса бўлади! Мушак садолари чор-атрофни ларзага келтириди. Байрам шукухини янада авж олдириди. Фарғона осмони узоқ вақтгача турли шаклдаги жилоларга, ранг-баранг юлдузларга тўла турди.

Байрам шодиёналари барча иштирокчилар, айниқса, ўкувчилар қалбида ўчмас из қолдирган бўлса ажаб эмас.

Шундай қилиб, спортнинг 11 тури бўйича ўтказиладиган мусобақаларга старт берилди.

“Умид ниҳоллари” спорт байрамининг очилиш маросимида Ўзбекистон Республикаси Баш вазирининг ўринбосари Ҳамидулла Кароматов иштирок этди.



## ДАСТЛАБКИ МУСОБАҚАЛАР, НАТИЖАЛАР, ФОЛИБЛАР

### ИЛК ФАЛАБАЛАР

Мусобақанинг биринчи куни Фарғона политехника институтидаги қўй тўпи майдончасида қизлар ўтасида спортнинг ана шу тури бўйича дастлабки ўйинлар бўлиб ўтди. Шу куни андижонлик қизлар қорал-қалпоғистонлик тенгдошлари билан куч синашдилар.

Ҳар иккала жамоанинг ҳам ғалабага бўлган иштиёқи уларнинг ўйинларидан сезилиб турди. Аммо Андижон вилояти жамоасининг аъзолари босик ҳамда беҳато ҳаракатлари билан рақиб жамоадан бирмунча устун эканликларини ўйин давомида кўрсатиб турдилар. Натижада ҳам шунга яраша бўлди. Андижонлик қизлар 23:17 хисобида голиб чиқиб, дастлабки ғалабага эришишиди.



Ўйин сўнгиди Андижон вилояти терма жамоаси мураббийиси Исмоилсон Аҳмединовдан жамоаси ҳамда “Умид ниҳоллари”даги шарт-шароитлар ҳакида фикрларини сўрадик.

— Жамоамиз асосан олтин-қўллик ўкувчи-қизлардан ташкил топган бўлиб, спортнинг қўй тўпи тури бўйича бу мусобақага жиддий тайёрланишиди. Улар “Умид ниҳоллари”нинг республика босқичида ҳам голиб бўлиб қайтишни ният килишган.

Фарғоналиклар мусобақага катта ишларни амалга оширганликлари кўриниб туриди. Тайёрларлик учун машғулотлар билан таъминлаш, айниқса кўнгилли дам олиш учун яратилган шароитлар аъло даражада.

Фурсатдан фойдаланиб, биз истикомат килаётган 6-касб хунар мактаби жамоасига кўрсатаётган меҳмондўстликлари учун миннатдорчилигимни билдираман.

Шу куни Қиргули шаҳарчасидаги “Кимёгар” спорт мажмуасида спортнинг шу тури бўйича ўғил болалар ўтасидаги бўллашувлар ҳам бўлиб ўтди. Мусобақа бош ҳаками ёрдамчиси Ю.Арушанян ўйинлар ҳақидаги

ўз фикрини баён этиб, мазкур мажмуа катта мусобақалар учун жуда яхши тайёрланганини, барча шароитлар мухайё килинганинг билдириди. Бўлиб ўтган дастлабки ўйинлар ва жамоаларнинг мусобақаларга тайёрларлиги ҳақидаги саволимизга у шундай жавоб берди:

— Бугун мусобақанинг биринчи кунида биринчи беллашувлар бўлиб ўтәётганини учун бирор нима дейиш қийин. Аммо шу дастлабки ўйинларда ёш балабарлар кучи ва шиддатли ҳаракатлари билан, балзаплар эса суст ўйнаб, кўп хатоларга йўл кўйишлари билан ажralib колди. Мисол учун Навоий вилоятидан келган терма жамоа ўйинчилари ўзаро ҳамжихатлик йўқлиги, ўйин қоидаларига риоя қилмасликлари билан панд еб қолишиди. Натижада улар андижонлик тенгдошларига 4:26 хисобида бой бердиши.

Бу албатта, биринчи кун тафсилоти. Лекин бу мусобақада ҳар бир ғалаба мухим бўлганидек, қоидали, чиройли ўйнаш ҳам мухимдир.

### ГИЛАМДА ПОЛВОННИНГ ОРИЯТИ ҚЎЗҒАЙДИ

Қадимдан ўзбек ҳалқининг тўйлари, байрамлари миллий ўйинлариз, асосан, курашсиз ўтмаган. Боиси, авлоддан-авлодга мерос бўлиб келаётган ўзбек курашига барча бирдек қизиқади. Шунингдек, мустақилликдан сўнг республика мизда унга давлат сиёсати даражасида

эътибор қаратилди. Ва ана шу эътибор самараси ўлароқ, ўртимизда ҳалқаро кураш ассоциацияси ташкил топди. Эътибори жиҳати, мазкур ассоциация қисқа вақт ичиди миллий спортивизни дунё саҳасида олиб чиқди ва кенг жамоатчиликни ўзига жалб эта олди. Ўз навбатида бундай ҳаракат ҳалқаро ҳамжамиятга Ўзбекистон Республикасини танитишда мухим омил бўлиб хизмат қилди.

Айни кунларда гўзал Фарғонага шаҳрида ўтказилётган мактаб ўкувчиларнинг “Умид ниҳоллари” мусобақаларига киритилган 11 спорт туридан бири миллий курашдир. Шаҳардаги футбол интернатида ўтказилётган миллий кураш мусобақаларига тўплланган томошабинни кўрган киши бизнинг юқоридаги фикрларимизга қўшилиши, шубҳасиз. Мусобақага раҳбарлик килаётган бош ҳакам, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган мураббий, ҳалқаро тоғифадаги ҳакам Ашурбек Абдусатторов билан суҳбатимиз кўйидига кечди.

— Домла, кураш мусобақасининг “Умид ниҳоллари” ўйинларига киритилишини қандай баҳолайсиз?

— Эътибор берсангиз, спорт турлари инсонни жисмонан, ақлан ривожлантиришга хизмат қиласди. Дейлик, шаҳмат одамнинг ақлини пешлайди. Шунинг учун унга “Ақл гимнастикаси” деб ном беришган. Футбол, енгил атлетикалар эса жисмонан чиниқтиради. Ўз навбатида миллий кураш фарзандларимизни

(Давоми 4-бетда)

# ДАСТЛАБКИ МУСОБАҚАЛАР, НАТИЖАЛАР, ФОЛИБЛАР

(Давоми. Боши 1-3-бетда)

жисмонан, ҳам маънан соғлом бўлишга ундейди. Унинг алоҳида яна бир хусусияти, аввало, кураш бизга ота-боболари миздан қолган мерос. Шунинг учун ҳам одамлар орасида, гиламга тушган полвоннинг орияти кучлилик қиласи, деган гап юради. Бу бежиз эмас. Чунки одам гиламга тушган вақтида беихтиёр ота-боболарини эслайди. Уларнинг курашга бўлган муносабатини ёдга олади ва ўзи ҳам аждодларига муносиб бўлишини тушишиб етади. Шунингдек, бу спорт турида гирромлик қилишга имкон бўлмайди. Иккинчи жиҳати эса болани жисмонан баувват қиласи.

— Ёшлар ўртасида ушбу курашни оммалаштириш учун қандай ишлар қилинмоқда?

— Мактабларда тўғараклар ишлаб турди. Шунингдек, келажакда курашни мактаб ўкув дастурига киритиш учун ҳаракат кетмоқда. Курашга бўлган талабнинг катталиги бунга сабаб бўлади. Ёшлар ҳам курашга қизиқади. Мана, бугунги ўйинларда оғирлиги 50 кг дан бошланиди, 77 кг.гача ва ундан ортиқ бўлган 8-11-синф ўқувчилари беллашмоқдалар. Мен, айниқса оғир вазни ёш полвонларнинг борлигидан фоят хурсандман. Албатта, улардан катта галаба кутса бўлади.

Бугун миллий курашимиз дунё саҳнасига ўзбек номи билан чикканлигидан барчамиз фахрланамиз. Хиндишонда Осиё чемпионати, 5-6 июль кунлари Техронда Паҳлавон Маҳмуд хотирасига бағишлиган халқаро турнир ўтказилиши фикримизнинг исботи.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, бугун миллий курашимиз жаҳон ҳамжамиятидаги ўз ўрнига эга бўлган Ўзбекистон Республикаси байробининг баланд ҳилпираши учун хизмат қилмоқда. Ўз навбатидаги дозум ҳам унинг янада юксакка кўтарилиши учун ҳозирдан ёшларимизга кураш сирларини чукурроқ ўргатиб борсак, эртага у самара беради.

## ФАРГОНАЛИК ЧЕМПИОН ҚИЗ

“Умид ниҳоллари” мусобақаларининг тантанали очилиш маросимида 29 минг одам қатнашганлиги юртимида спортга бўлган қизиқиши юкори даражада эканлигидан далолат беради. “Кичик олимпиада” номини олган ушбу ўйинларга Тошкент вилояти Паркент туманидаги “Физика – күёш” иммий ишлаб чиқариш марказидан қашъала олиб келиниши мусобақаларининг янада қизиқарли ўтишига сабаб бўлди. Тантанали очилиш маросимида жажжи боғчи болаларидан тортиб эстрада санъати юлдузларининг чиқишидан сўнг, ўйингоҳ тепасига ўрнатилган “Умид ниҳоллари” машъаласини ким ёқишини томошабинлар интиқлик билан кутишиди. Ниҳоят майдонга Паркент туманидан олиб келинган машъалани кўтариб ёшлар ўртасида стол тениси бўйича жаҳон чемпиони, халқаро тоифадаги спорт устаси Нулифар Сотовлдиева ҳамда бокс бўйича Ўзбекистон чемпиони, халқаро тоифадаги спорт устаси Дилшод Маҳмудовлар кириб келдилар ва “Умид ниҳоллари”нинг рамзий машъаласини биргаликда ёқдилар. Тантаналар ниҳоясида биз Нулифар Сотовлдиева билан сұхбатлашдик.

— “Умид ниҳоллари” мусобақалари машъаласининг ёқилиши сизнингча нима маъно англашади?

— Машъаланинг мусобақалар тугагунга қадар ёниб туриши ҳар бир спорт тури бўйича ўтказилаётган беллашувларнинг муросасиз, олов каби қизгин ҳолда ўтишини англатади. Шунингдек, у том маънода ҳар бир иштирокчига ўзидан кувват тарқатади ва руҳлantiради. Юраги олов каби ёниб, кўзи порлаб турган спортичидан эса, албатта, галаба кутиши мумкин.

У халқаро олимпия ўйинларига қўйёсланаётган “Умид ниҳоллари”нинг келгусида ҳақиқатан ҳам “Кичик олимпиада” бўлиб колишига хизмат қиласи.

— Спорт соҳасида кўлга киритган ютуқларингиз ҳақида ҳам тўхтассангиз?

— 1999 йил Бутунжаҳон ёшлари ўртасида стол тениси бўйича ўтказилган мусобақада 2 та олтин медал сохибаси бўлдим. Шунингдек, мамлакат миқёсига ҳам талайгина ютуқларни кўлга киритганин. Фарғона Давлат университети нинг 4-курс талабаси бўлганлигим сабабли, насиб бўлса Бухорода ўтказиладиган олий ўқув юртлари талабаларининг “Универсиада” мусобақаларида иштирок этиб,

совринли ўринларни эгаллашга ҳаракат қиласман.

## ЎЙИНЛАР ҚИЗГИН ТУС ОЛГАН

Спортда голиб ва маглублар бўлиши барчага аён. Шунинг учун бўлса керак, айни кунларда “Умид ниҳоллари” ўйинлари қизгин паллага кирган. Барча вилояти вакиллари галабага учун курашмоқдалар.

Хусусан, баскетбол бўйича ўтказилган ўсмиirlар мусобақасининг I тур ўйинларида Самарқанд вилояти терма жамоаси Хоразм вилояти жамоасига қарши майдонга тушиб 66:41 ҳисобида галабага эришди. Андижонлик ўсмиirlар эса қашқадарёлик тенгкурларини 62:41 ҳисобида маглубиятга учратдилар. Сирдарё вилояти вакиллари эса Қорақалпогистон Республикаси жамоасини маглуб ҳолда майдондан чиқиб кетишга мажбур этдилар. Хисоб 49:27. Наманган вилояти жамоаси ҳам биринчи учрашувдаёк ўзларининг нимага қодир эканлигини намойиш этиб, сурхондарёликлар устидан соғ галабага эришдилар. Хисоб 59:37. Ва ниҳоят, Тошкент вилояти ўсмиirlари навоийлик спортичилар устидан 51:49 ҳисобида галабага эришдилар.

Бундан ташқари, қизлар ўртасидаги баҳсларда натижалар қуидагида бўлди. Навоий вилояти қизлари сурхондарёлик дугоналари устидан (32:24) муваффакиятга эришган бўлсалар, Тошкент вилояти жамоаси (19:4) ҳисобида Жиззах терма жамоаси устидан йирик галабани кўлга кириди. Мезбонлар эса бухоролик қизларни биринчи учрашувдаёк маглуб этдилар (36:29). Шунингдек, Қашқадарё вакиллари ҳам Наманган вилояти жамоасини майдондан маглуб ҳолда чиқиб кетишга мажбур эти. Хисоб 34:25.

Сирдарё – Хоразм учрашувда 32:18 ҳисоби қайд этилган бўлиб, Қорақалпогистон – Самарқанд беллашуви 24:34 ҳисоби билан якунланди.

Тошлок туманидаги Амир Темур ўйингоҳида ташкил этилган миллионлар ўйинида Жиззах футболчилари ён қўшилини сирдарёликларни 4:2 ҳисобида маглуб этдилар.

Самарқанд вилояти жамоаси пойтакт вилояти вакилларидан устун эканлигарини намойиш этдилар. Хисоб 2:1. Сурхондарё вилояти жамоаси ва Навоий жамоаси учрашуви эса 2:0 натижага билан якун топди.

Фарғона туманидаги Водил марказий ўйингоҳида ўтказилган учрашувлар (Андижон – Қорақалпогистон) 2:1, (Тошкент шаҳри – Бухоро) 1:0 ҳисоб билан тугади. Шунингдек, мезбонлар Хоразм вилояти терма жамоаси устидан 6:1 ҳисобида йирик галабага эришдилар.

Ақл гимнастикаси номини олган шахмат мусобақаларида Сирдарё – Хоразм 2:1, Қашқадарё – Бухоро 2:1, Сурхондарё – Наманган 2:1, Андижон – Навоий 0,5–2,5, Самарқанд – Жиззах 1,5–1,5, Тошкент вилояти – Қорақалпогистон 2,5–1,5 ҳисоблари қайд этилди.

Волейбол бўйича ўсмиirlар ўртасида ташкил этилган баҳсларда Қорақалпогистон вакиллари ён қўшилини хоразмликларга 3:6 ҳисобида имкониятни бой бериди. Пойтахтиклар ва Тошкент вилояти жамоалари ўртасида учрашуда 3:1 ҳисоби қайд этилди. Бухоролик ёшлар эса сурхондарёлик ийигитлар устидан 3:0 ҳисобида галабага эришган бўлсалар, Андижон – Жиззах учрашуви 3:0 натижага билан якунланди.

Қизлар ўртасидаги учрашувларда Наманган вилояти терма жамоаси Самарқанд вакилларини 3:0 ҳисобида маглуб этдилар. Қорақалпогистонлик қизлар эса Тошкент вилоятидан келган дугоналари устидан 3:0 ҳисобида галабани кўлга киридилар. Шунингдек, Навоий – Андижон учрашви кескин баҳсларга сабаб бўлиб 3:0 натижага билан якун топди. Бухоролик қизлари ҳам Хоразм термасига (0:3) имкониятни бой берган бўлсалар, Сирдарё – Жиззах учрашуви 0:3 ҳисоби билан ниҳоясига етди.

Ўсмиirlар ўртасида ўтказилган кўл тўлини ўтказилган кўл тўлини ўтказилган вакиллари Сирдарё вилояти жамоаси Қорақалпогистон жамоаси устидан 24:16 ҳисобида галабага эришди. Андижонлик болалар эса Навоий вакиллари устидан йирик галаба (26:4) билан ўйинни якунлаган бўлсалар, Самарқанд – Қашқадарё учрашувида 19:18 ҳисоби кузатилди. Хоразм вилояти вакиллари эса 21:16 ҳисобида жиззахликларни маглуб этдилар. Шунингдек, Сурхондарё вакиллари устидан йирик галаба (26:4) билан ўйинни якунлаган бўлсалар, Самарқанд – Қашқадарё учрашувида 19:18 ҳисоби билан якун топди. Бухоролик қизларни биринчи учрашувдаёк ўзларининг нимага қодир эканлигини намойиш этиб, сурхондарёликлар устидан соғ галабага эришдилар. Хисоб 22:25; Навоий – Тошкент 13:23; Фарғона – Жиззах 31:13.

## “УМИД НИҲОЛЛАРИ”-НИНГ ИЛК ЧЕМПИОНЛАРИ

Ниҳоят, “Умид ниҳоллари” мусобақаларининг 3-куни биринчи чемпионлар аниқланди. Фарғона шаҳридаги футbol интернатида ўтказилган миллион кураш мусобақаларида гиламга чиқкан вазни 50, 55, 60, 65, 71, 77 ва 77 килограммгача бўлган ёш полвонлар ичидан голиблар аниқланди. 50 кггача вазни полвонлар ўртасида Навоий вилояти терма жамоаси вакили Исмоил Курбонов “Умид ниҳоллари”нинг илк голиби деб эълон қилинди. Оҳирлиги 55 кггача бўлган спортич-ўқувчилар ўртасида Қашқадарё вилояти вакили Баҳридин Саломов чемпионликни кўлга киритган бўлса, 60 кггача вазнилар орасида яна бир қашқада-

рёлик ёш полвон биринчиликни қўлга кириди. Шунингдек, 65 кггача бўлганлар ўртасида 2001 йил Россиянинг Твер шаҳрида ўсмиirlар ўртасидаги кураш мусобақасининг голиби, жаҳон чемпиони жиззахлик Олимжон Равшанов ҳамда науойлик Улугбек Мажидовлар олтин медал сохиблари бўлишиди. 71 килограммгача бўлган спортичлар ўртасида Қашқадарё вилояти терма жамоаси вакили Рустам Авлиёқулов, 77 килограммгача бўлган вазнилар орасида қашқадарёлик Фарҳод Сапаровлар голиб деб топилди. Ва ниҳоят, 77 килограммдан ортиқ Рустам Авлиёқулов, 77 килограммгача бўлган полвонлар ўртасида бухоролик Алишер Курязов мутлоқ чемпион деб топилди.

Шунингдек, умумжамоа ҳисобида Қашқадарё вилояти ёш полвонлари 87 очко тўплаб биринчиликни қўлга киридилар. Иккинчи ва учинчи ўринлар эса 83 очко



тўплаган Сурхондарё ҳамда 63 очко тўплаган Хоразм вилояти терма жамоалига насиб эти.

Бундан ташқари сузиш мусобақаларида ҳам биринчи куннинг голиблари аниқланди, уларга дипломлар ҳамда олтин медаллар топширилди.

Ўсмиirlар ўртасида 50 метрга эркян цев, қизлар ўртасида пойтахтилик М.Бугановлар биринчиликни эгаллашиди. 100 метрга брасс усулида сузиш бўйича ўсмиirlар ўртасида навоийлик Д.Семёнов, қизлар ўртасида тошкентлик Р. Салимгиевалар голиб деб топилиб, шахсупанинг энг юкори погонасини банд этдилар. 200 метрга чалканча сузиш мусобақаларида ҳам Тошкент шаҳри жамоаси бошқаларга нисбатан устун эканликларини намойиш этдилар. Д.Логинов, қизлар ўртасида А.Шегловалар, умумжамоа ҳисобида пойтахтилиз жамоаси 160 очко тўплаб биринчиликни кўлга киридилар. 124 очко жамғарган Навоий вилояти ва 115 очко тўплаган Андижон вилояти жамоаларига 2- ва 3- ўринлар насиб эти. Ҳозирда сузиш турининг бошқа усуулари бўйича беллашувлар давом этмоқда.

**Камолиддин АЛИОХУНОВ, Аваз ХАЙДАРОВ, “Ma'rifat”нинг маҳсус мухбирлари Акромжон ТУРСУНАЛИЕВ, Бурхон РИЗОҚУЛОВ олган суратлар.**

## “УМИД НИҲОЛЛАРИ” КУНДАЛИГИ

### 26.04.02 кунги натижалар

Баскетбол (қизлар)	Кўл тўпи (қизлар)
Тошкент шаҳри – Сурхондарё вилояти	30-16
Бухоро – Тошкент шаҳри	14-21
Жиззах – Фарғона	7-45
Наманган – Сирдарё	24-23
Хоразм – Қорақалпогистон	13-21
Андижон – Қорақалпогистон	16-22
Баскетбол (ўсмиirlар)	Кўл тўпи (ўсмиirlар)

**Шифокорлар ҳам муаллимлар каби энг фидойи қасб соҳибларидан. Бу галги меҳмонимиз ана шундай шарафли соҳа вакили. Тоштемир Ўнгбонев — тиббиёт фанлари доктори, профессор, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, Халқ академияси муҳбир аъзоси, 300 дан зиёд илмий мақола, 12 монография, 45 методик қўлланма, 38 ихтиро муаллифи. Айни замонда Республика таянч—ҳаракат тизими ногиронларини реабилитация қилиш марказида бўлим мудири лавозимида хизмат қилади.**

**— Сұхбатимизни бољалик даврингизни ёдга олишингиздан бошласак...**

— 1946 йилда ўзим туғилиб ўсган Гўбалак қишлоғидаги 7-мактабнинг 1-синфига ўқишга борганман. Урушдан кейинги оғир даврлар эди, кийинишимиз ҳам шунга яраша бўлган. Қишлоқда асфальт, электр, янги бинолар қаёқда дейсиз у дамлар. Мактабга тупроқ кўчадан оёқ кийимсиз қатнаганман.

Биринчи ўқитувчимни мамнуният билан эслайман — Хўжат ака Хўжалов эдилар. Адабиётдан Яхшибой Дўсанов, химиядан Халил Сиддиқов деган ўқитувчилар сабоқ берганлар. Темир Андоқулов, Ҳимматой Турдиева сингари фидойи, касбига содиқ муаллимларни ҳам эслаб турман. Мактабда яхши ўқирдим. Шу билан бирга, албатта, ота-она мизга уй ишларида кўмак бериш, яйловда мол бояниш, ўртоқлар билан ҳар хил ўйинлар ўйнашни ҳам кандо қилмасдим.

Кишлоғимиз Қашқадарёниң Косон туманидағы энг боғдор гўшалардан саналарди. Шу боис мактаб ўқувчилари ҳам навбатма-навбат боғ ағдарардик. Бир-бировимизнига ҳашар қилардик. Албатта, ўкиш қолиб кетмасди. 10-синфни битирганимизда физика, химия, адабиёт фанларидан кимдир бирор мавзуни сўрайдиган бўлса, аксариятимиз фалон китоб, фалон бет, фалон парамграф, фалон қаторида, дея қийналмасдан жавоб берар әдик. Бунга сабаб ўқитувчиларимизга хоҳлаган пайтда савол берсак-да, уларнинг ҳам раъйимизни қайтармай жавоб бергани, қолаверса, иншо кўп ёзганимизда деб биламан. Шунинг учун аксариятимиз ҳеч қийналмай институтларга ўқишга кирганимиз.

**— Қандай таълим олганингизни айтиб ўтдингиз. Тарбия масаласи қандай эди?**

— Битта мисол келтирмоқчиман. Биласиз, у давларда фалла йигими

кўлда олиб борилган. Кексами-ёшми, эркакмайт, барчаси бу жараёнга жалб қилинган. Ажабланасан киши, тонгдан шомгача далада меҳнат қилган ота-она уйида 5-6 нафар боласи очи наҳор ўтирганига қарамай, уйига сўроқсиз 1 килограмм ҳам буғдой олиб келмаган. Ҳатто хаёлига ҳам келтирмаган. Ваҳоланки, ҳосил чўғи мўл, далада ҳеч қандай қоровул йўқ. Нега? Чунки, “бировнинг ҳақи”, “ишонч” деган тушунчалар уларни ҳамиша тўғриликда ушлаб турган...

Халқимиз шундай маънавияти юксак ҳалқ. Болага “ундай бўлма, бун-

**Меҳмонхона**



Корж раҳбарлигига докторлик диссертациям ёқланди.

**— Шогирдларингиз ҳақида ҳам икки оғиз...**

— Шогирдларим ҳақида сўзлайдиган бўлсан, улар дунёнинг турли мамлакатларида хизмат қилишшаётти. Жумладан, Японияда икки нафар, Россия ва Қирғизистонда уч нафардан, Хиндистонда икки, Покистон, Туркманистан, Канада, Ислом давлатларида бир нафардан, шунингдек, Тожикистанда икки нафар шогирдим фаолият юритмоқда.

**— Ҳар бир соҳанинг, албатта, ўзига хос ютуқлари билан бирга**

дан, 25 фоизи нобуд бўлади, 20-25 фоизи эса ногирон бўлиб қолади. Агарда бу ҳисобга дунёнинг у ёки бу бурчагида рўй бераётган уруш жараёнлари, ер қимирлашлари, сув тошқинлари, самолёт ва темир йўл ҳалокатлари ҳамда экологиянинг бузилиши оқибатида қанд, юрак қон-томир касалликлари туфайли қўл ва оёқнинг у ё бу жойидан кесилиб, чўлоқликларнинг ошиб боришини кўшсак, уларни ҳаёт қучоғига, оиласига қайтириш учун протез-ортопедик маҳсулотлар билан таъминлаш накадар долзарб вазифа экани англашилади.

Мана шу заруриятларни ҳисобга олган Мехнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги 1998 йилда таянч-ҳаракат ногиронларини реабилитация қилиш маркази ва унинг қошида “Ортопедия реабилитацияси” илмий ишлаб чиқариш кичик корхонасини ташкил этган эди. Марказнинг асосий вазифаси ногиронларни эски, оғир, ноқулай про-

лар, керакли асбоб-ускуналар ажратилиб, вилоятлардаги барча ногиронларни реабилитация қилиш, протез-ортопедик маҳсулотлар билан таъминлаш вазифа қилиб берилган.

Яқин келажакдаги режаларимиз ҳам катта: протез-ортопедик маҳсулотлар ассортиментини кенгайтириш, сифатини янада яхшилаш, мазкур ойдан бошлаб ногиронлар учун мураккаб пойафзаллар ишлаб чиқаришни фақат марказда эмас, вилоятлардаги филиалларда ҳам йўлга кўйиш шулар жумласидан.

**— Келинг, мавзуни бироз ўзгартирамиз. Бўш вақтларингизда нима билан кўпроқ машғул бўласиз?**

— Ҳайвонот дунёсини яхши кўраман. Шу боис деярли ҳар ҳафта ҳайвонот боғига ташриф буюраман. Шунингдек, табиат кўйнида, айниқса, сув бўйида ўтириш менга завқ бағишлиди.

Детектив фильмларни томоша қилишни ҳам хуш кўраман.

**— Дарвоқе, “Тонг оқариб келарди” ҳикоялар тўпламингиз нашдан чиқкан. Демак, кўнглингиз адабиётга ҳам ошно экан-да..**

— Ёшлигимдан адабиётга қизиқаман. Табиатим кўпроқ шеъриятга мойилроқ. Абдулла Орипов, Мухаммад Юсуф шеърларини фалсафий чуқур маънога эга эканлиги билан севиб ўқиман. Шунингдек, Эркин Воҳидов, Нормурод Нарзуллаев шеърияти қалбимга ошно. Болалиқдан бирга ўсган шоиримиз Жуманиёз Жабборовнинг ёзғанлари ҳам кўнглімга бир эпкин олиб киради.

**— Қайси турдаги қўшиклар ҳордик чиқаришингизга восита бўла олади?**

— Классик ашуларап. Айниқса, улар Бобомурод Ҳамдамов, Отажон Ҳудойшукоров, Олмахон Ҳайитова сингари санъаткорлар ижросида янграса бутун вужудим кулоққа айланади.

**— Ўқитувчиларга тилакларингиз...**

— Муаллимлар энг оғир меҳнатни бўйнига олган инсонлардир. Устоз, ўқитувчи, муаллим, домла сўзлари энг улуғ, азиз каломлар сирасига киради. Шундай экан, уларга энг улуғ тилакларни билдираман. Доимо саломат бўлсинлар.

**— Сұхбатингиз учун раҳмат.**

Хусан НИШОНОВ  
сұхбатлашди.

## МУАЛЛИМ — ЭНГ УЛУҒ КАЛОМЛАР СИРАСИГА КИРАДИ

дай бўл” деб ҳадеб гапиравергандан кўра, амалий иш, яратилган покида муҳит самаралироқ таъсир кўрсатади.

**— Яна фаолиятингизга қайтсан. Демак мактабни тугатган бир гурух синфдошлар турли институтлар талабалари бўлишди...**

— Ҳа. Мактабни битиргач, 1957-63 йиллар давомида Самарқанд тиббиёт институтининг даволаш факультетида ўқидим. Институтни тугатиб, 1970 йилда аспирантурани ҳам битирдим ва муддатидан олдин фан номзоди илмий узвони соҳиби бўлдим. Фурсатдан фойдаланиб илмий раҳбарим — Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, тиббиёт фанлари доктори, профессор Насриддин Шоматов номини миннатдорчилик билан тилга олиб ўтишим жоиз. 1981 йилда яна бир устозим дунёнинг 32 та ақадемияси аъзоси Алексей

камчиликлари ҳам бўлишидан кўз юмиб бўлмайди. Сиз меҳнат қилаётган марказ бу соҳадаги мавжуд муаммоларни ҳал этишда қай даражада таъсир этаяпти, деб ўйлайсиз?

— Инсоният ҳамиша ривожланишида. Башар яшар экан, тараққиёт давом этаверади. Илмий-техниканинг ривожланиши, ҳалқ ҳўжалигининг механизацияланиши, гигант қурилиш ишларини олиб борилиши, автомобиллар сонининг кўпайиши, инсоният касб тарзининг тезлашиши ўз навбатида, афсуски, шикастланишлар сонининг ортиб, салмоғи оғирлашиб бориши ва ногиронлар сонининг кўпайишига сабаб бўлмоқда. Малумотларга таянадиган бўлсак, бир йилда дунёнинг факатгина автомобил йўлларида 8-10 миллион киши жароҳат олади. Шундан, кўрсатилган тиббий ёрдамга қарамас-

тезлар ўрнига, ҳомийлар маблағи ҳисобидан замонавий, маҳаллий хомашёлардан тайёрланган енгил, ихчам, сифатли ва арzon протезлар билан қисқа муддатда таъминлашдир.

Мамнуният билан айтиш керакки, марказимизда бир йилда 150-180 нафар ногирон стационарларда ётиб, аввал протезга тайёрлаш ҳамда даволашнинг замонавий усууларини бепул оладилар. Дастлаб ўқув-машқ, сўнgra 10-15 кундан кейин доимий протез билан бепул таъминланиб, юриш-туришга ўргатилади ва реабилитациянинг тўла курсини ўтаб бўлгач, уларига жавоб берилади.

Яна таъкидлаш жоизки, иктисадий бақувват ташкилотлар ёрдами тифайли ҳозиргача мамлакатимизнинг ўн битта вилоятида марказимизнинг филиаллари очилди. Уларга тегишли кадр-

## “ЭҢГ ЯХШИ МАКТАБ КУТУБХОНАЧИСИ”

Халқ таълимим вазирлиги республика иммий педагогика кутубхонаси билан ҳамкорликда “Йилинг эңг яхши мактаб кутубхоначиси” күрік-танловини үтказды.

Танлов З босқичда олиб болылди.

Унинг шартларига күра, ҳар бир қатнашчи ўз фаолиятидан келип чиқкан ҳолда саволларга жавоб бериси, эркін мавзуда сұхbatлашиша таестларга жавоб бериси керак еди. Танлов натижаларига күра, 1-урин Бухоро вилоятининг 35-мактаб кутуб-

хоначиси ва Тошкент шаҳрининг 126-мактаб кутубхоначисига; 2-урин эса Хоразм, Қашқадарё, Самарқанд, Жиззах вилояті вакылларига 3-урин Андіжон, Сирдарё ва Сурхондарё вилоятларыннан мактаб кутубхоначилариға насиб этди.

Анъянага алғанда бораётган ушбу тадбир мактаб кутубхоначиларининг фаолиятини янада жонлантириша мұхим омил бўлиб хизмат қиласди.

R.PATNER

## КИМДИР ИНГЛІЗЧА, КИМДИР НЕМІСЧА...

Олий үқув юртлари орасида бўлажак мутахассисларнинг касбий тайёргарлигини ошириш, иктидорли ва истеъодли ёшларни кўллаб-куватлаш мақсадида үтказиладиган фан олимпиадаларининг хорижий тилларга бағищланган республика босқичи Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетида бўлиб ўтади. 3 кун давом этадиган мусобақаларда анаъянага кўра, талабалар 5 та шарт асосида синовдан үтказилади.

Олимпиадани үтказиш учун ташкилий кўмита тузилган. Шунингдек, Британия, АҚШ элчихоналари ҳамда Британия кенгашлари ҳам кўмак берадиган бўлишиди. Ҳар бир олий үқув юрти талабалари жамоалар ўртасида биринчилик ҳамда якка тартибда ғолиблик учун баҳслар олиб бориси ҳам мўлжалланган.

Жамшид ШАРИПОВ,  
“Ma'rifat” мухбири

Мирзачўл туман ҳалқ таълими бўлими ташаббуси билан урга мактабни тамомлаб, бекор юрган 20 нафар ёшлар компьютер үкувига жалб этилдилар. Асосан, кам таъминланган оилалар фарзандлари ва бокувчисиз қолган үсминалардан иборат бўлган бу ёшлар айни пайтда Жиззах шаҳрида ташкил этилган “Бизнес олами маркази”да ва

## ИБРАТАИ ТАШАББУС

Мирзачўл туманинда 5-урта мактабда касб урганмоқдалар. Улар уқишига кетадиган ҳаражатлар туман ҳокимлигининг ёрдами билан маҳаллий бюджет ҳисобидан ажратилмоқда.

Шу уринда таъкидлаб ўтиш жоизки, 5-мактаб туманда үкувчиларга компьютер сирларини ургатиш бўйича таянч мактаб ҳисобланади ва таълим муассасаси бунинг учун талаб даражасида жиҳозланган. Дарсдан сунг эса, бу ерда маҳаллий ёшларга пуллик компютер үкуви ташкил этилиб, қушимча даромад топилмоқда.

Юқоридаги ташаббус, ТХТБнинг нафақат мактаб даврида, балки мактабдан сунг ҳам ёшларга эътибор билан қараётганигидан далолат беради.

МУХБИРИМИЗ

## NRMP-USAID ЛОЙИҲАСИ

вий кўмагида Марказий Осиёда табиии ресурсларни бошқариши такомиллаштириш лойиҳаси (NRMP) иш бошлаганди. Лойиҳанинг асосий вазифаси минтақадаги табиии ресурсларни бошқариши такомиллаштиришга кўмаклашишдан иборатdir.

Агентликнинг «Чегаралараро сув мониторинги» Д компоненти ушбу лойиҳанинг амалга оширишида Жаҳон банки, АҚШнинг ЮСАИД агентлиги, Швейцария миссияси билан ҳамкорликда иш олиб боради.

Ийилишда Кирғизистон, Қозогистон, Ўзбекистон, Туркманистон, Тожикистон гидрометеорология хизмати раҳбарларни иштирок этиб, сув ресурсларини тежаш, Сирдарё ва Амударё сувларининг Оролга тўлиқ этиб борисини таъминлаш учун юқорида айтиб ўтилган лойиҳанинг бажарилиши хусусида тўхталиб ўтдилар.

Икки кун давом этган ушбу амалий учрашувда кўпгина баҳс-мунозаралар бўлиб ўтди, келгусидаги масалалар мухокама килинди.

МУХБИРИМИЗ



Тошкентда, GEF агентлиги биносида “Сув ресурсларини бошқариш ва Орол деңгизини қамраб олиш” лойиҳаси бўйича бешта давлатнинг гидрометеорология хизмати раҳбарларининг учрашуви бўлиб ўтди. 2000 йилнинг сентябрь ойидан АҚШнинг Халқаро тараққиёт агентлиги молия-

Яқинда Ўзбекистон Республикаси “Пахтабанк”-ининг марказий биноси мажлислар залидаги Ўзбекистон ҳалқ шоири Мұхаммад Юсуф хотираесига бағищланган кечак бўлиб ўтди.

Кечани банк фаолиятини ташкил этиш маркази директори О.Тангривердиев очар экан, Мұхаммад Юсуф ва унинг шеърияти ҳақида кисқача гапириб ўтгандан сўнг ушбу кечани бошқариб бориси Ҳамза Ҳудойбердиевага топшириди. Кечада Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси ўринбосари, шоир Си-

## ШОИР АРДОҒИ

рожиддин Сайид, мархум шоирнинг рафиқаси Назира Саломова, “Пахтабанк” мъявнавият ва маърифат ишлари бўлими бошлиғи М.Убайдуллаева, таникли хонандалар Фиёс Бойтоев, Озода Мадрахимова, Севара Назархон, республика “Байналмилл” маркази раҳбари ўринбосари М.Нуримова, шоира Гулжамол Асқарова ва бошқалар иштирок этиб, Мұхаммад Юсуф ва унинг шеъриядан тутган ўрни ҳақида фикр юритишиди. Кеча давомида хонандалар шоир шеърларига басталанган кўшиклар билан йигилганлар қалбини яна бир бор ларзага солишиди. Шоирларимиз ўқиган шеърлар эса йигилганларнинг юрак-юракларига кириб борди. Буларнинг барчаси шоир Мұхаммад Юсуфнинг ҳалқ қалбидаги нечоғлик ёркін из қолдирганидан далолатдир.

Абдулҳамид АБДУАҲАД ўғли

## ҲАМКОРЛИКДА ЎТГАН СЕМИНАР

Академик лицей ва касб-хунар колледжларини замонавий дарсликлар ва ўкув кўлланмалари билан таъминлаш бугуннинг долзарб масалаларидандири. Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети ҳузуридаги Шайхонтохур академик лицейида бўлиб ўтган семинар ана шу масалага бағищланди. Республика Ўрта маҳсус, касб-хунар таълими маркази ташкил этган анжумандада “Cambridge Education consultants” компаниясининг дарсликлар ёзиш бўйича эксперлари ҳам қатнашди.

Семинарда Кембриж таълим маслаҳатчилар ташкилоти ва Осиё тараққиёт банки томонидан мамлакатимизда амалга оширилаётган “Ўрта маҳсус, касб-хунар таълимини ривожлантириш лойиҳаси” доирасида янги, замонавий дарсликлар яратиш билан боялиқ масалалар мухокама этилди. Табиий, гуманитар, тил, иқтисодиёт, математика ва информатика йўнайтишлари бўйича маърузалар тингланди.

Иккинчи бор ўтказган семинаримизнинг асосий мақсади, — дейди Ҳалқаро маслаҳатчилар гурӯҳи раҳбари Дэвид Ройл, — ўкув материалларини яратиш, безаш, энг асосийси, академик лицей ва касб-хунар колледжлари талабалари учун янги кўлланмалар яратишни кўллаб-куватлаш ва ҳам беришдан иборат.

Н.ЗИЁДУЛЛАЕВА,  
ЎЗА мухбири

## МУСИҚА ФАНИГА ЯНГИЧА ЁНДОШУВ

Яқинда Тошкент вилояти Янгийўл туманинда 16-мактабда “Қадрлар тайёрлаш миллий дастури 2- босқич ва зифаларини бажаришда мусиқа фанига янгича ёндошув” мавзуидаги семинар-кенгаш бўлиб ўтди. Семинарда Тошкент вилояти мусиқа таълими услубчилари ва ўқитувчилари иштирок этилар.

РТМ мусиқа ва санъат бўлими ходимлари, ЎЗПФТИ мусиқа бўлими илмий ходими Й.Ботиров, мусиқа бўлими услубчisi С.Холиқова, F.Гулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти дарсликлар бўйича бўлим бошлиғи О.Рахимовлар сўзга чиқиб, Қадрлар тайёрлаш миллий дастури 2-босқич вазифаларини бажарышда мусиқа фани ўқитилишига янгича ёндошув. Давлат таълим стандарти, мусиқа маданияти ўкув дастури, янги чоп этилган дарсликлар ҳақида фикр юритдилар.

Семинар иштирокчилари Тошкент шаҳар Ҳамза туманинда 282-мактабда видеотасмага туширилган умумий ўрта таълим мактабларининг 5-синф “Болалар учун опера” мавзусидаги дарси намойиш этилди. А.Мансуров,

Б.Исроилов ва Р.Сафаров либреттосига ёзилган “Ҳайвонлар Султони” операсини ўкувчилар дарс жараёнда илк бор фақат тинглаш орқали эмас, балки томоша қилиб кўришлари натижаси уларнинг дарсга қизиқишилар ошганлиги маълум бўлди.

Назокат, нафосат бор жойда хиссият, руҳий ҳолат, қайғият яхшилиниши ўкувчиларга түшунтирилди. “Ҳайвонлар Султони” операсининг якунидаги инсон томонидан — дўстлик, тинчлик ва баҳтиёр ҳаётнинг таклиф этилиши, ҳайвонларнинг дўстликни мадҳ этиб рақс тусиши, “Дўстлик бор бўлсин, Тинчлик бор бўлсин” деб кўшик кўйлишини жараёнда ҳам ўшитилган ва ҳам кўрилган асар таҳлили натижаси ўкувчиларга ижобий таъсир кўрсатди.

Семинарда Тошкент вилояти Янгийўл туманинда 16, 14, 27-мактаб ўкувчиларининг “Мусиқа маданияти” дарси ва мактабда ташкил этилган ҳалқ чолғу ансамбли тўғарак ишлари ҳам намойиш этилди.

Д.КАРИМОВА,  
РТМ Мусиқа ва санъат бўлими бошлиғи

## МАКТАБЛАРДА МИЛЛИЙ ҲУНАРМАНДЧИЛИК

Республика ўкувчилар техник ижодиёт маркази вилоят ва туман марказларида, шунингдек, қишлоқ мактабларидаги бешикозлиқ, дўлтичилик, косибчилик, темирчилик, ганч ўймакорлиги, кулолчилик билан шуғулланувчи усталар билан ҳамкорликда янги тўгараклар ташкил этимоди.

Миллий ҳунармандчилигимизни янада ривожлантириш, ота-боболаримиздан мерос қолган ҳунарларни ёш авлодга ўргатиш мақсадидаги очлаётган ушбу тўгаракларга ўкувчи— ўшларнинг қизиқиши катта.

— Эндиликда кўпгина олис қишлоқларда истиқомат қилювчи ўшлар

касб ўрганиш учун туман ва шаҳар марказига қатнаб юрмайди, — дейди марказ директори Толиб Қорабоев. — Биз тўгаракларни иложи борича маҳалларда, мактабларда ташкил этишга ҳаракат қилаяпмиз. Шунингдек, марказимиздаги “Сиртқи клуб” чекка жойларда истиқомат қилаётган болаларга техник ижодкорлик сирларини ўргатмоқда.

Тўгарак аъзолари машғулотлар давомида турли ўкув қуроллари билан таъминланади. Бу уларнинг назарий ва амалий билим олиши учун қулав шароит яратади. Бундай тўгараклар иши айни пайтда Самарқанд вилоятida

яхши йўлга кўйилган. Оқтош шаҳри ва Пастдарғом туманинда кулолчилик тўгараги, Пойариқ туманинда ёғоч ўймакорлиги тўгарагига қизиқувлар сони тобора ортиб бормоқда. Фарғона, Бухоро ва Навоий вилоятидаги дўлтичилик, зардўзлик, косибчилик тўгаракларида олиб борилаетган ишлар ҳам дикқатга сазовордир.

Яқинда марказ ходимлари яна бир хайрли ишга кўл урди. Улар “Ҳамшира” тўгарагини ташкил этилар. Келгусида ушбу тўгаракни янада кенгайтириши режалаштирилган.

Бехбуд БОТИРОВ,  
ЎЗА мухбири

## ЖАЛҚ ОЛДИДА ҲИСОБОТ

Яқинда А.Авлоний номидаги ХТХҚТМОМИ маданият саройида Фидокорлар миллий-демократик партияси фракция аъзолари билан педагоглар ўртасида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг 2-чақирик 8-сессиясида кўрилган масалалар юзасидан давра сұхбати бўлиб ўтди. Ушбу сұхбатда Фидокорлар миллий-демократик партияси Марказий кенгашининг биринчи котиби, Олий Мажлиснинг Ҳавфисизлик ва мудофаа масалалари кўмитаси раиси А.Турсунов, Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари кўмитаси раиси Н.Жўраев, Агарар, сув хўжалиги ва озиқ-овқат масалалари кўмитаси раиси И.Каландаров, Бюджет, банк

ва молия масалалари кўмитаси раиси ўринбосари Р.Каримов, шу институт ректори, педагогика фанлари доктори, профессор Ж.Йўлдошев ва бошқалар иштирок этилди.

Давра сұхбатида ўқитувчилар ўзларини қизиқтиришган саволларга тўла-тўқис жавоб олган бўлсалар, ушбу давра сұхбатига ташриф буюрган депутатлар республика Олий Мажлиснинг 2-чақирик 8-сессиясида кўрилган масалалар ҳақида ҳамда Фидокорлар миллий-демократик партияси фракциясининг фаолияти тўғрисида йигилганларга батағсил маълумот бериши.

**Уруш! Чоминг ўчени жаҳонга,  
Хамон дилга сен солсан ялан...**

ЗУЛФИЯ

Дарс хикоянинг фожеа юз берган қисмини ифодали ўқиши билан бошланади.

**Ўкувчи (ўқиди):** Шоикром ухладими, ўйкми, билолмади. Бир маҳал бола йигладими, ё ташқарида шамолнинг увиллаши аралаш даҳшатли бир фарёд қулоғига кирдими, англай олмай қолди. Сапчиб ўрнидан туриб кетди. Айвон чирогини ёқиши билан қулуңпай пуштасида мук тушиб ётган одам гавдасини кўрди-ю, даҳшатдан қотиб қолди. Шу ондаёт хато қилганини, қотиллик қилганини пайқади. Сим учини илгакдан олиб, ҳовлига отилди. "Бошқалари қочди" деган фикр лип

ўзбошимчалик билан унинг устидан ҳукм чиқариш, одам ўлдириш гуноҳ ҳисобланади.

**4-ўкувчи:** Бу фожеада мен кўпроқ Ҳадичани айбор деб биламан. Ундан ўзбек қизларига, келинларига хос бўлган бирон-бир фазилат топмадим. Ўзбек келинлари қайноасини ўз онасилик кўрадилар. Изват-хурмат қиласидар. Ҳадича эса ўғлининг топганини онасидан яширди. Бир ҳовуч қулуңпай учун қайноаси билан урушиб, андишани унуди.

**5-ўкувчи:** Тўғри. Агар Ҳадича яхши келин бўлганида эди, Шоикром рўзгорини бўлак қилмаган, ҳовлини ҳам ўтасидан

онаси билан укасига ёрдам бера олмаганидан эзилади. Аламини хотини, болаларидан олади. Хатто уй-жойи, идиш-товори ҳам кўзига хунук кўринади.

2. Рус ёзувчиси Л.Н.Толстойнинг бир гапи бор: "Одамларни яхши-ёмон деб ажратиш нотўри. Ҳар бир одамнинг ҳам яхши, ҳам ёмон томонлари бўлади. Шароитга қараб улардан бири юзага чикади".

Шоикромнинг яшаш шароити оғир эди. Бунинг устига уруш вақти, замон оғир. Бирор билан бирорнинг иши йўқ. Ҳамманинг ўзига яраша ташвиши бор эди. Шоикром тўқимачилик комбинатида ишчи кучи етишмаганини учун туну кун ишлар, уйда эса ҳордик чиқариш учун шароит ҳам йўқ эди. Мана шунинг учун ҳам у алам билан: "Камбагалининг эккани унмайди, боласи кўпаяди. Шу кунимдан кўра

раётгани унинг бағрини ўтайди. Ночорлик, ноиложликдан ўзини қаерга қўйиши билмайди. Онаизор кўй сути ўғлининг дардига даво бўлиши мумкинлигини эшитади-ю, тинчини йўқотади. У катта ўғлининг ёрдам бера олмаслиги кўзи етади. Бирон нима сўрай деса келининг феъли маълум. Шунда онаизор сўнгги чорани кўллади. Фарзандини ўлимдан асраб қолиш учун ўғирликка қўл уради.

**4-гурӯх.**

Биз учала гурухнинг фикрларини эшитиб, шундай хулосага келдик. Уруш келтириб чиқарган қийинчиликлар бу хонадон аъзоларини оғир аҳволга солиб кўйган. Натижада улар характерларидаги факат ёмон томонларни кўрсата бошлагандар. Шоикромнинг кўрс, асабий бўлиб қолишига, қотиллик килишгача бориб етишига уруш айбор. Агар уруш бўлмаганида эди, Ҳадича ҳам хасис бўлмаган, Шоикром онасига ёрдам бера олган, Умри хола эса ўғирликка кўл урмаган бўларди. Уруш юзага келтирган муҳтоҷлик, ночорлик туфайли хамма корин тўйдирниш ғамига тушиб қолди. Ўғрилар кўпайди, қариндошлар ўтасидаги меҳроқибат кўтарили. Шоикромга ўхшаш қишиларнинг дийдаси қотиб, одам ўлдиришга ҳам қодир бўлиб қолдилар. Биз бўлиб ўтган воқеаларни синчилаб таҳлил қилиб, учала гурух аъзоларининг фикрларига асосланган ҳолда бу фожеага уруш айбор деб топдик.

**Ўқитувчи:** Уруш шундай даҳшатли бир оғатки, у қадами етган жойлардаги инсонлар ёстигини қутиши билан бирга, ҳали қадами етиб бормаган жойларда ҳам инсонларга кулфат келтиради. Энг қайгулиси шундаки, у қишилар қалбида энг эзгу, инсоний туйгуларнинг йўқ бўлиб кетиши, тарбиянинг издан чиқишига сабаб бўллади. Натижада биз юқорида кўриб ўтганимиздек, фожеалар содир бўллади. Ҳикояни ёзувчи "Урушнинг сўнгги қурбони" деб атани ҳам шундан.

Сиз ҳикоядан қандай хулоса чиқардингиз?

**1-ўкувчи:** Биз ҳозирги тинч, фаровон ҳаётимизнинг қадрига етишимиз керак.

**2-ўкувчи:** Ўзимизнинг аъло ўқишимиз, мактаб, жамоат ишларида фаол иштирок этишимиз билан тинчлик ишига ўз хиссамизни қўшишимиз керак.

**3-ўкувчи:** Доимо огох бўлишимиз, ҳар хил бузғунчи гоялар таъсирига берилимай, тинчлик ишига доимо содик бўлишимиз керак.

**4-ўкувчи:** Ҳар қандай шароитда ҳам тинчлигимизни химоя қила оладиган мард, жасур, билимли инсонлар бўлиб вояга етишимиз даркор.

**Ўқитувчи:** Азиз ўкувчилар, шу ўринда Президентимиз И.А.Каримовнинг бир фикрларини келтириб ўтиш жоиз. Келажак бугундан бошланади. Агар биз ўшлар тарбиясига бугун эътибор бермасак, келажак бой берилади".

Шундай экан, бугунги дарсизмизда олган сабоқларингиз келгусида ҳам сизнинг тинчлик барқарор бўлиши учун жавобгар эканлигинизни эслатиб турсин.

**Ўйга вазифа:** "Тинчлик барқарор бўлсун" мавзусида иншо ёзуб келиш.

**Хилола АЛИМОВА,**  
**Юнусобод туманидаги**  
**260-мактаб ўқитувчisi**

## КЎРИНМАС ҲАВФ ИСКАНЖАСИДА

Асримизнинг бошларида жадидлар ҳалқни жаҳолат ботқогидан қутқариш, мақсадида бир қанча газеталар чиқарган эдилар. Бу газеталарнинг асосий вазифаси ҳам, тоғаси ҳам миллатга, ҳалқа маърифат улашиши ва маданий савиясини ўстириш бўлган. Бугунги кун ўзбек матбуоти уларнинг эзгу шиларини давом эттиримоқда. Газета дўконларига боқсангиз, нашрларнинг кўплигидан ва ранг-баранглигидан, қайси бирини ташлашни билмай қоласиз. Лекин шундай ҳолатлар ҳам учраб турадики, улардан асло кўз юмиб бўлмайди.

Пойтахтимизнинг бир қанча жойларида газета дўконларидан ташқари газета-журналлар билан савдо қилувчи "точка"лар мавжуд. Бу "точка"ларда асосан рус тилидаги нашрлар сотилади. Ваҳима қилаяти демангу, лекин маънавиятимизга салбий таъсир этувчи кучлар мана шу "точка"лардир. Кандай қилиб дерсиз? Чунки бу

**Nigoh**

жойларда сотиладиган газеталарнинг кўпчилигига ёт бўлган порнографик гоялар тарғиб қилинади. Номлари ҳам "гаройиб": "Speed-инфо", "Интим", "Декамерон" ва ҳоказо. Яна улар ранги чон этилган. Ҳар бир йўловчи бир назар ташламай иложи йўқ. Бироз бекорчи вақти бўлса, бемалол томоша қилиб олса ҳам бўлади. (Бир варақлаб чиқиши ҳам 50 сўм.) Ҳўш, агар ўша йўловчи мактаб ўқувчиси бўлса-чи?

Табиатан бола хотираси жуда кучли бўлади. Бир кўрган нарсасини албатта, эслаб қолади. Ва кейинчалик мана шу кўрганларига тақлид қила бошлайди. Натижада, боланинг онгида ҳам, фикрлашида ҳам, аҳлоқида ҳам ўзгаришлар юзага келади.

Аҳлоқ бузилса, миллийлик дарз кетади. Бугун ўзбекистон дунё маъмакатлари билан тенг мавқеда ҳамкорликни ўйлга қўймоқда. Ўз нуфузига эга. Лекин мана шу ютуқларни кўролмайдиганлар ҳам йўқ эмас. Пана-панада юриб, миллатнинг шаънига ҳавф хоҳлайдиганлар кам дейсизми? Мен порнографик журналлару газеталарга бекорга эътиборингизни жалб этмадим.. Бу нашрлардаги суратлару мақолалар остида бизнинг маънавиятимизни бузшига қаратилган, шуни мақсад қилиб олган гоялар ётибди. Бу гоялар шундай ниқобланганки, кўз билан умуман илғаб бўлмайди. Улар фақат онгагина таъсир этади. Бу қуролга ҳеч қандай қўргон, ҳеч қандай армия бас кела олмайди. Энг хавфлиси унинг ўқларига миллатнинг ёшлари, келажак авлоди рўбарў келади. Унга фақатгина миллатнинг, халқнинг метин иродаси, юқсак маънавияти ва мафкурасигина бас келиши мумкин.

Мадаминбек БОЙМАТОВ,  
"Маърифат" мухбари

# ТИЧЛИК – БҮЮК НЕЙМАТ

(Ўткир Ҳошимовнинг "Урушнинг сўнгги қурбони"  
ҳикояси асосида ноанъанавий дарс)

этиб хаёлидан ўтди. Пушталар устида сакраб-сакраб юриб бораркан, оёғи ботиб кетаётганини пайқади. Кейин бувланиб ётган одамдан уч қадам берироқда тўхтадию, бирдан чўккаллаб қолди. Бир лаҳза кўзлари олайиб тикилиб турди-да, кўксидан шамол фувурини ҳам, ўз вужудини ҳам ларазага солувчи бир нидо отилиб чиқди:

— Ойи-и-и!

**Ўқитувчи:** Ҳа, азиз ўқувчилар! Бир оиласда фожеа юз берди. Кўз ўнгидаги фарзандининг шамдек сўниб бораётганилигига чидай олмаган она ионлож ўғирликка қўл уради. Қасос ўти кўзини қўлиб кўйган ўғил беихтиёр ўз онасининг қотилига айланди. Сиз юз берган даҳшатли бу фожеада кимни айбор деб биласиз?

**1-ўкувчи:** Мен бу фожеада Шоикромни айбор деб биламан. У оғир дамларда қари онаси, касалванд укасига сунчик бўлиши лозим эди. Шоикром эса ҳафталаб, ўн кунлаб укасига сунчига ҳолидан хабар олмайди. Онаси укасига сунчалик тузалиб кетишига умид бор эканлиги ҳақида сўзлаётган чоғида ҳам у бағри тошлиқ билан "Яқинда ўлади... баъдириб ўлади", деб ўйлади.

**2-ўкувчи:** Мен ҳам Шоикромни айбор деб биламан. У оиласда катта ўғил бўлганлиги учун касалванд укасига отаси йўклигини билдиримай меҳрибончилик қилиши лозим эди. У бўлса хотинининг сўзига кириб рўзгорини бўлак қилиб олади. Бунинг устига ҳовлини юзага ташлаш кўяди.

**3-ўкувчи:** Шоикром албатта кулуپнай ўғирлаётган одам онаси эканлигини билмаган. Аммо ўғри ким бўлган тақдирда ҳам

бўлмаган бўларди. Шоикромга қари онаси, касалванд укасига сунчига ҳолидан хабар олни эслатиб туриш ҳам Ҳадичадан лозим эди.

**6-ўкувчи:** Балки Ҳадича қулуңпайни қайноаси териб олаётганини сезандир. Агар у "бу ўғирларнинг иши", дея эрини ишонтирганини фожеа юз бермаган бўларди.

**Ўқитувчи:** Энди дарсизмизни "Аклий ҳужум" тарзида давом эттирамиз. Ҳозир тўрт-гурӯхга бўлишига ўтади.

**Ҳадича—5**  
Умри хола—4 каби.

**Ўқитувчи:** ҳозир учта гурухга оқловчилик вазифасини топшираман. 1-гурӯх Шоикромни оқлайди, 2-гурӯх Ҳадичани, 3-гурӯх Умри холани оқлайди. 4-гурӯх эса ҳакамлар ҳайъати бўлиб, билдирилган фикрлардан хулоса чиқаридилар ва фожеанини айборини топадилар. Навбат 1-гурӯхга.

**1-гурӯх:** 1. Шоикром жиззаки, кўрс киши. Аммо унинг кўнгли тоза. У укасиги яхши кўради. Уни урушдан олиб қолишганида суюнади. Бирор касаллигини эшитгача, севинчи ичига тушади. Шоикром кўли калталигидан, ночорликдан,

урушга бориб ўлиб кета қолганим яхшииди", — деб ўйлади.

3. Шоикромнинг ўғриларда алами бор эди. У тунги сменада ишда эканида унинг тугай деб турган сигирини ўғирлаб кетишиади.

"Шу пайтгача сигир туғарди, укамнинг оғзига ақалли бир коса сут тутардим, — деб ўйлади Шоикром ўқиниб. — Қани ўшалар қўлимга тушса, чопиб ташлардим".

Ўғриларнинг эркаксиз уйларга бемалол кириб, хонадон аъзоларининг сўнгги ризқларини ҳам қаҳшатиб тортиб олаётганини, қаршилик кўрсатган кўшни аёлни ўлдириб кетишигани унда газаб уйғотади.

"Виждонсизлар! Одамларнинг бошига кулфат тушганидан фойдаланиб қоладиганларни кириш керак".

Шоикром бундай ҳаромхўларнинг адабини бериб қўйиш, улардан ўчиш учун қотиллик кўл уради.

**2-гурӯх.**  
Ҳадича "үйим-жойим" дейдиган оддийгина ўзбек аёли. Лекин рўзгордаги етишмовчилик, ёш болаларининг харҳаси, кийинчиликлар уни зиқна, хасис қилиб кўйган. У эрининг топган-тутганини тежаб-тергаб ишлатади. Ҳайноасидан, болаларидан, ҳатто ўзидан ҳам кизғонади. Лекин эрига илинади. Бизнинг фикримизча, агар рўзгорлари бадастир бўлг

Мактаб мажлислар зали тадбирга мослаб безатилади. Тадбир ўтказиладиган жойни "Ўтганлар ёди азиз", "Шаҳидлар хотираси мангу барҳаёт", "Аждодлар хотираси муқаддас ва барҳаёт", "Хотира ва қадр — эзгулик сабоги" каби шиорлар билан безатиш мумкин.

Тадбирга II жаҳон уруши қатнашчилари, меҳнат фахрийлари, байналмилал жангчилар, маҳалла фаоллари, ҳокимият ходимлари таклиф қилинади. Мактаб раҳбари тадбирни очиб, меҳмонлар билан таништиргач, "Хотира ва қадрлаш куни" ҳақида қисқача маълумот беради. Бошловчилар даврани давом эттиришади.

**I бошловчи:** Хотира ўзликни англашга, ўтмишни доимо ёдда тутишга бот-бот даъват этиб турдиган муқаддас туйғу. Инсон ўзининг ким эканлигини хотира ва қадр туйғуси орқали чуқурроқ англайди.

**II бошловчи:** Биз миллат, Ватан, Истиқлол каби бир неча сўзларни ҳурмат билан тилга оламиз, муқаддас саҳнимиз. Ана шу тушунчалар ҳақида сўз юритганда, фикримизни беихтиёр хотира туйғуси банд этади. Инсон хотираси муқаддас, у ўз аждодларини эсга олиб, эзгу ишларини ёд этади. Аждодларини хотирлаш сусайса ёки йўқолса, яъни аждодлар билан авлодлар ўтасида узилиш юз берса, миллат таназзулга юз тутар экан.

**I бошловчи:** Муқаддас саналган тушунчаларнинг ҳаммаси хотира билан тирик. У нафақат ўтмишни унумаслик, балки бугунги кунни ва келажакни ёрқин тасаввур этиш ҳам демақдир.

**II бошловчи:** Хотира инсонни келажакка теран кўз билан қарашга ўргатади.

**I бошловчи:** Қадрлаш эса, хонадонларимизга файз-барака бағишилаб, килаётган эзгу ишларимизга оқ фотиҳа тираб тураган қарияларимизнинг ҳурматини жойига кўйишдир. Колаверса, кишиларнинг бир-бирларини қадрлаб юришлари замирида улуғ хикмат яширин.

#### II бошловчи:

Сен менинг бобомсан — Хотира,  
Сен менинг момомсан — Қадр.  
Бир узун йўллар-а... Хотира...  
Бир узун йўллар-а... Қадр...  
Ғалвирак дунёнинг доғлари  
Пўпанак боғлайди раҳтма-раҳт.  
Хотира — канглумнинг тоғлари,  
Қадр—канглум суюнган дараҳт.  
Мен-да бир новданғман Қадр,  
Сен менинг бобомсан — Хотира,  
Сен менинг момомсан — Қадр.  
Бир узун йўллар-а... Хотира...  
Бир узун йўллар-а... Қадр...

**I бошловчи:** Президентимиз Ислом Каримовнинг Фармонига кўра, ҳалқимизнинг Ватан озодлиги ва мустақиллиги учун жон фидо этган фарзандлари хотирасини абадийлаштириш, буғун ҳам эл-юртимиз обрўйини юксалтиришга, биз ёшларни тарбиялашга хисса қўшаётган фахрийларни ардоқ-

*Карияларни кўп ўйлик машққатли меҳнатлари эвазига юзага келган тажрибеларига эътибор кўрсатмоқ, уларнинг ёгит ва маслаҳатлари амал қилмоқ ҳам эъзознинг бир түридир.*

**Ma'rifat**

#### Maktab sahnasi uchun

лари бош қўшишмоқда.

**II бошловчи:** Уруш даҳшатларини кўрган, зулмини тортган ва истиқлол кунларига етган фахрийлар билан учрашувлар ҳам ёшларни тарбиялаш омили бўлаётir.

**I бошловчи:** Ватан — бу улкан оила. Ота-боболаримиз оиласини, аҳли аёлини ёт назарлардан қанчалик эхтиёт қилган бўлса, она Ватанини ҳам шунчалик кўз қорачиғидек асраран. Бугунги тинч ва осуда ҳаёт учун жонини тикканлар фақат ўтган асрнинг 40-йилларида деб ўйласак, хато бўларди.

Эрк учун жонларин гулхан қилганлар, Тилларин кессалар, кўзларин ўйса, Бир-бирга дил билан сухан қилганлар, Ватани аслида Ватан қилганлар.

#### 2-ўкувчи:

Эргашса офтобга эргашиб юрган, Тунлари хобига озодлик кирган, Маърифат боянинг боғбони бўлиб, Ҳар фарзанд қошида жилмайиб турган, Ватани аслида Ватан қилганлар.

#### 1-ўкувчи:

Ёвнинг яхшиси йўқ деган ҳам улар, Зоғнинг баҳшиси йўқ деган ҳам улар. Миллатнинг кўксидаги бўй чўзган чинор, Ҳар дилда кўкламдек кўкариб келар. Ватани аслида Ватан қилганлар.

#### 2-ўкувчи:

Мақтов малҳам бўлмас, бил қурбонларга, Оятда ором бор шаҳид жонларга, Кўлларинг дуога катта оч, элим, Шукроня жоиздир, эркли онларга, Ватани аслида Ватан қилганлар. Эрк учун жонларин гулхан қилганлар.

**I бошловчи:** Давлатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг ташаббуси билан Тошкент шаҳри ва барча вилоятлар марказларида барпо этилган "Хотира майдони" ҳалқимизнинг миллий қадриятлари, ўтганлар руҳига чукур ҳурматни ўзида мужассам этган, миллий меъморчилик анъаналари асосида бунёд этилган ҳақиқий зиёратоҳга айланди.

**II бошловчи:** Эл-юртимиз озодлиги ва эркинлиги йўлида, ҳалқимизнинг қадр-қиммати, ор-номусини, миллий анъаналаримиз ва урф-одатларимизни ҳимоя қилишда, босқинчи ва ёвуз кучларга қарши машққатли курашларда қурбон бўлганлар хотираси авлодлар ёдиди абадий сақланиб қолади.

**I бошловчи:** "Тарихий хотирасиз келажак йўқ" деб таъкидлаб ўтган эди Юртошими. Биз хотира сўзининг ёнгинасида қадр деган иборани ҳам ишлатамиз. Нима учун? Чунки хотира ва қадр бир-бисиз яшолмайди, айтилмайди ва англашилмайди. Истардикки, ана шу иккى олижаноб туйғу ҳеч биримиздан йироқлашмасин, ҳамиша қалбларимизда акс-садо бериб турсин. Мустабид тузум даврида миллион-миллион бегуноҳ инсонларнинг умри хазон бўлганини, канча-канча гўдаклар етим қолганини тарих, бугунги ва келажак авлод ҳеч қаҷон унутмайди.

**II бошловчи:** Муҳтарам меҳмонлар, азиз касбдошлар, илмга ташна ўқувчилар, "Хотира ва қадрлаш куни"га бағишилаб ўтказилган тадбиришимизга шубилан якун ясаймиз. Ва хотира, қадр тушунчалари ҳеч бирингизни тарк этмаслигини тилаб қоламиз.

**Фотима ХОЛМИРЗАЕВА,**  
**РТМ "Маънавий-маърифий**  
**ишлар" бўлими бош мутахассиси**

## ХОТИРА ЎЙФОНСА ГЎЗАЛДИР

(9 май — Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан ўтказиладиган тадбирга намунавий сценарий)

ни хоинларча бузиб, тинч ҳудудларга бостириб киришди. Барча ҳалқлар сингари ўзбек ўғлонлари ҳам Ватан ҳимояси учун отландилар.

Ҳазин мусиқа садолари остида ўғлини, ёрини, отасини урушга кузатаётган аёллар ва болалар саҳнада кўринадалар. Кинотасмаларда уруш лавҳалари тасвирланган кадрлар наимиш килинади.

#### II бошловчи:

Поезд тайёр жўнамоқса,  
Вокзал тўла йигитга:  
Она бу кун узатади  
Ўз ўғлини Фронтга.  
Хайр, ўғлим, оқ йўл бўлсин,  
Хайр, кўзим қораси,  
Билким, жангда билинади  
Мард йигитнинг сараси...

**I бошловчи:** Уруш ҳеч бир хонадонни четлаб ўтгани йўқ. Кимнингдир боғоси, яна кимнингдир акаси ёки тоғаси бу кулфатнинг қурбони бўлди, дом-дараксиз кетди.

**II бошловчи:** 1941-1945 йиллардаги иккича жаҳон урушида Республика майдонидан 1433230 нафар киши урушга кетган. Шулардан 263005 нафар Ватан ўғлонларининг хоклари ўзга юртларда қолди. 132670 нафар ҳамюрларимиз бедарак кетиши.

(Тадбирда иштирок этётган уруш ва меҳнат фахрийларига сўз берилади).

**I бошловчи:** "Хотира ва қадрлаш куни" йил тақвимидаги тарихий санаға айланди. Бу куннинг кенг миқёсда нишонланишини таъминлашга барча давлат, нодавлат ва жамоат ташкилот-

Ҳар томонлама гуллаб-яшнаётган мустақил Ўзбекистонга ҳасад кўзи билан қараётган ички ва ташки душманлар ҳам мавжуд.

**II бошловчи:** Ватан — бизнинг қисматимиз, номусимиз, оримиз. Шу боис унга ғанимлар тажовуз қилганида, ҳамиятли, ор-номусли ва фурурли фарзандлар оёққа туришган. Ватан ҳимояси йўлида улар жон олиб, жон беришни мардлик деб билишган. Биз яхши эслаймиз. Ватанинг жанубий воҳаси — Сурхондарё ҳудудларидаги 2000 йил август, сентябрь ойларидаги душман тўдалари билан тўқнашувлар ҳали ҳеч кимнинг хотирасидан кўтарилгани йўқ. Ватан сарҳадларини ёвуз ниятили кучлардан соқит қилиш, уларни тор-мор этиш яна юрт ўғлонлари зиммасига тушди ва бу йўлда бир неча мард йигитлар ҳалок бўлишиди. Бундай кунлар қайтиб ҳалқимизнинг бошига тушмасин.

**I бошловчи:** Ўтганларни ёдга олар эканмиз, турмуш тарзимиз ҳам шунга монанд гўзлаллашиб, фаровонлашиб боради.

**Икки бошловчи:** Чунки марҳумларни хотирлагандан, улар бизга ўз қадриятларимизнинг яна ҳам юксаклигини эслатиб тургандек туолади.

**II бошловчи:** Ватанинни аслида Ватан қилганлар "шеврини ёддан ифодали ўқиб берадилар. Ёки шу мазмундаги бошқа шеърлар ҳам ўқилиши мумкин.

#### 1 ўкувчи:

Ватанинни аслида Ватан қилганлар,

## КАРИЯЛАР ИЗЗАТДА

миннатдор бўлган устоз педагоглар, ўз издошлидан ўғит ва кўмакларини аямасликларини билдирилар.

ман ҳалқ таълими бўлими қошида нафақадаги нуроний устозлардан ташкил топган Фахрийлар кенгаши фаолият кўрсатади

педагог аъзо ҳисобланади. Уларнинг барчаси ўз ҳудудларидаги таълим муассасаларининг фахрий раиси этиб белгиланганлар,

2002 yil — Qariyalarni qadrlash yili

инчунун, улар бугунги таълимтарбия жараёнидан доимий боҳабар бўлиб туршиади. Бундан ташқари, Фахрий кенгаш аъзолари ҳар ойда тумандаги битта мактаб фаолиятини ўрга-

ниб, таҳлиқ қилиб чиқадилар. Зарур жойда маслаҳатлар бершиади. Ҳозиргача фахрийларимиз назаридан ўтган ўн битта мактаб шиларида кескин жонланиш сезилганлиги кузатилмоқда.


Зеро, қарияларнинг кўп ўйлик машққатли меҳнатлари эвазига юзага келган тажрибеларига эътибор кўрсатмоқ, уларнинг ўғит ва маслаҳатлари амал қилмоқ ҳам эъзознинг бир түридир.

Сайёра УМАРОВА,  
Сирдарё туман ХТБ  
услубхона мудириаси

Ilgari Eronda maxsus bolalar adabiyoti bo'Imagan edi. Biz, o'zbeklar, Firdavsiy, Hofiz, Sa'diy singari fors klassik shoirlarini yaxshi bilamiz. Ularning ijodida bolalar o'qisa, ruhan boyitadigan, katta tarbiyaviy ahamiyatga ega bo'lgan she'rlar, hikoyatu rivoyatlar, masallar, nasihatlar ko'p.

Ammo faqat kichkintoylar uchungina mo'ljallangan maxsus kitoblar ilgari yo'q edi. Bizning adabiyot tariximizda o'tgan asrning 10-yillarda Hamza, 20-yillarda Avloniy, 30-40-yillarda Zafar Diyor, Quddus Muhammadiy kabi mualliflar ko'p uchraydi. Eronda birinchi maxsus bolalar kitobi — Mahmud Kiyonushning she'riy to'plami 1950 yilda bosilib chiqdi. Xuddi o'sha yili Tehronda kelguvsining bo'lajak atoqli bolalar shoiri Mustafa Rahmondo'st tug'ilgandi.

Mustafa boshlang'ich ta'limni ham, keyingi tahsilini ham Tehronda oldi. 22 yoshida



2-3 martalab qayta-qayta chiqarildi. Uning "Gul, ko'zgu va Qur'on" (1988), "Mehribonliklar bog'i" (1988), "Bahor shu yerda" (1991), "Do'stlik shirindir" (1993), "Alla ohangi" (1993) singari kitoblari bolalarga emas, kattalar orasida ham katta shuhrat qozondi. Shoirlarning bu kunga qadar 40 ga yaqin kitobi chop etildi. Mustafa Rahmondo'st ingliz, turk, arab adabiyotidan tarjimalar qilganidek, uning kitoblari ham ingliz, turk va arab tillariga tarjima qilingan.

Hozir Mustafa Rahmondo'st Tehronda yashaydi. "Bolalar va yosolar fikrini tarbiyalash fondi"ga rahbarlik qiladi. Uning boshchiligidagi o'n ikki ming-kalimani o'z ichiga olgan "Bolalar Qomusi" chiqayotir.

So'zim so'ngida bir gapni ta'kidlay: hozir bizda forschalar yangi kitoblarni topishning iloji yo'q. Eron bolalar shoirlarining asarlari ruschaga ham

## QIRQTA KITOBI CHIQQQAN SHOIR

universitetni tugatib, poytaxt radiosiga ishga keldi. Keyin televideniyeda ishladi. Yana ozgina vaqt o'tgach, "Surushi kudak" nomli haftalik bolalar jurnaliga keldi va bu uning ijodiy taqdirdida muhim rol o'ynadi.

"Surushi kudak" "Bola surushi" degani bo'lib, "surush" forschada "ilhom parisi" degan ma'noni bildiradi. Mustafa Rahmondo'st haftalik jurnalda ishlarkan, mакtab va litseylar, kollej va boshqa bolalar muassasalari bilan yaqin aloqada bo'ladi

va tabiiy ravishda bolalar dunyosiga kirib qoladi. 1977 yilda birinchi marta uning kichkintoylarga atalgan ikki kitobi bir yo'la nashr etiladi. Biri "Baliqlar suhbat", ikkinchisi "Kichkina Ali javon qarshisida" deb atalardi. Shundan keyin deyarli har yili uning 1-2 tadan she'riy to'plamlari nashr etilib turadi. Chunonchi, "Kichkina chittak uchun darslar" (1982), "Yaxshining ahvoli yaxshi bo'lsin" (1983), "Onadan uch qadam uzoqlashdi" (1984), "Nur bulog'i" (1984), "Nurning jivirlari" (1985) kabi kitoblarini alohida ta'kidlab o'tish mumkinki, ular

o'girilmagan. Menga Mustafa Rahmondo'stning "Nur bulog'i" va "Mehribonliklar bog'i" kitoblarini topib bergani va ularni forschadan o'zbekchaga so'zma-so'z tarjima qilishda ko'rsatgan yordamlari uchun Eron Islom Jumhuriyatining O'zbekistondagi elchixonasi madaniyat ishlari mudiri Xudoyer janoblariga va o'sha yerda tarjimon bo'lib ishlayotgan yurtdosh ukamiz Ja'far Muhammadga tashakkurimni bildiraman.

Miraziz A'ZAM

Mustafa RAHMONDO'ST

### KICHIK ELCHI

Daraxtlarning ko'k barglari  
Qizardi, sarg'aydi.  
Ko'm-ko'k pechak holsizlanib  
To'xtaydi, qaltiraydi.  
Bog'ning xursand lablarida  
Xursandchilik so'ndi birdan.  
To'ldi qo'shiq to'la bog'lar  
Qarg'alar qag'i bilan.  
Daryolarda suv quridi,  
To'xtab qoldi jilg'alar.  
O'yinab yurgan kapalaklar  
Yelda xomush sirg'alar.  
Xabar sochar titrab-titrap  
Kichik elchi har yoqqa:  
"Zimiston qish mavsumi ham  
Tog'lar osha kelmoqda".

### SARIQQINA NOZIGIM


Endi uyqu payti bo'ldi,  
Tamom bo'ldi ozig'ing,  
Endi o'yinni bas qil,  
Sariqqina nozigm!

Quyosh ketdi, tushdi shom,  
Kir iningga, jo'jon,  
Ertalabki nonushtangga  
Tayyorlayman suv va non.

Tashqarida qolsang agar —  
Izg'iriq va qorong'i.  
Men netaman seni tutib  
Ketsa, biron qalang'i?!

Kechalari zolim mushuk  
Izg'ib yurar ochofat,  
Chang solishga shaydir ular,  
Ko'zları o't, kasofat.

Kir iningga, mittiginam,  
Chiy-chiylagan nozigm.  
Yaxshi uxla, erta tongda  
Kutgay seni ozig'ing.



### BAHOR QO'SHIG'I

Kecha sovuq,  
Bugun iliq,—  
Qish ketmoqda hamkor.  
Toqqa,  
Cho'iga,  
Boqqa,  
Ko'iga  
Kelmoqda yashnab bahor.  
Har bir giyoh  
Ochdi labin,  
Ko'rk ulashib borliqqa.  
Til-zabonsiz,  
Lab-dahansiz  
Shukr aytdi Xoliqqa.  
Huv-huvalatib,  
G'uv-g'uvlatib  
Yelni uchirdi bahor,  
Bu sadoni  
Eshitganda  
Tog'da erib ketdi qor.  
Tog'ning suvi  
Jilg'a bo'lib



Shildir-shildir kuylaydi.  
Hamma yodda  
Yelning, suvning  
Yangrab ketdi kuylari.  
Bulbulchalar  
Nag'ma chalar  
Yel kuyiga hamohang,  
Shodliklari  
Ichga sig'may  
Chah-chahlaydi serjarang.  
Bahor yeli  
Xush bo'yini  
Showvalday tarardi.  
Bahor kuyi  
Bir ovozday  
Ko'kka o'rlab borardi.



### RANG-BARANG FIKRLAR

Mana, bahor kelayotir,  
Yashil-yashil fikr qil.  
Shu asnoda yer ostidan  
O't chiqmoqda yam-yashil.

Sariq, qizil fikr qilsang  
Chiqaq qizil, sariq gul.  
Chah-chahlagay kulrang bulbul,  
Kulrang fikr qilsang gar.

Suv rangida fikrlasang  
Moviy dengiz ko'rasan,  
Ko'k ostida — chodir dunyo,  
Shu dunyoda yurasan.  
Qizil, sariq, ko'kimtir,  
To'q yashil va to'tiyo —  
Bahorda shu ranglar-la  
Yerni bezaydi Xudo.

Dunyo bo'lar rang-barang,  
Tiniq ko'kning oynasi.  
Ko'zlarining tovlanar  
Naykamalak jilvasi.

### TOMCHI VA DENGIZ

Sen yaxshi bir tomchisan,  
Men yaxshi bir tomchiman,  
Yaxshi tomchidir u ham.

Men yolg'izman burchakda,  
Sen burchakda xafasan,  
Uni bosib yotar g'am.

Bir tomchining kuchi yo'q,  
Bir tomchidan foyda yo'q,  
Bir tomchilar armonli.

Ammo barcha tomchilar  
Birlashsa dengiz bo'lar  
Shiddatli va bo'ronli!

### QISSAXON

Yaxshi qissaxonimiz,  
Baxshi qissaxonimiz,  
Yana bir qissa ayting,  
Qissa dilu jonimiz.

Qissa rasmin yaratting  
Qo'li, ko'zları bilan!  
Sukut, so'zları bilan!  
Ajin yuzlari bilan!

Gohi og'zida kulgu,  
Gohi yuzida qayg'u,  
Yoqimli nigohida  
Ma'noli shirin orzu.

Ey, mehribon qissaxon,  
Shirinzabon qissaxon,  
Yana ko'p qissa ayting,  
O'zingiz bo'ling omon,  
G'am ko'rmang hech bir zamona.

“Келажак бугундан бошлини шиори остида Каттакўргон педагогика касб-хунар коллежи ўқитувчилари ҳам талабаларга чуқур ва мустаҳкам билим бериш ўйлида меҳнат қилмоқдалар.

Муассасамизда услубчи ўқитувчилардан С.Ризаев, Қ.Ражабов, Н.Ахмедова, С.Фойибова, М.Бобоёров, Б.Раҳмоновлар олиб бораётган серкіра ишлари мақтоворга сазовордир. Улар ёш мураббийларнинг машгулотларида бевосита шитирок этиб, мунтазам таҳлил қиласидар.

Чилар, мактаб раҳбарлари иштирокида бўлиб ўтиши режалаштирилаётган анжуманда талабаларнинг билим даражаси ва педагогик амалиёти натижалари муҳокама қилинди.

Диккатга сазовор томони шундаки, талабалар томонидан амалиёти давомида тайёрланган иш ҳужжатлари, буллетлар, кўргазмали қуроллар ва бошқа хилдаги изходий ишларнинг видео тасмаси намоши этилади.

Педагогика амалиёти давомида янги технологиялар асосида қизиқарли, ранг-баранг

## АМАЛИЁТДАГИ НОАНЪАНАВИЙ МАШГУЛОТЛАР

Таҳлил жараёнида талабаларнинг ютуқлари, хато-камчикликлари кўрсатиб, зарур маслаҳатлар берадилар.

Айниқса, диплом олди педагогик амалиётининг мукаммал бажарилиши учун талабалар амалиёти иш режаси ва дастури билан пухта таништириб чиқилади. Бундан ташқари, талабаларга педагогика-психология ва методика фанларига оид янги иш усувлари, янги ДТСнинг ўзига хос жиҳатлари ҳақида чуқур маърузалар қилиниб, адабиётлар ва кўргазмали қуроллар намошиши ташкил этилди. Май ойига келиб, амалиёт якунига бағишиланган, шаҳар ва туман мактабларидаги илгор тажрибага эга ўқитув-

машгулотларни ташкил этиган талабалар сони ортиб бормоқда.

Жумладан, Роҳила Жўраева, Чарос Ҳамроева, Гуландон Ҳалирова ва Сўғдиёна Сайдуллаевалар ўтган машгулотлар бунга яққол мисолидар.

Эътироф этиши керакки, Ватан тақдирни ёшлар тақдирни билан чамбарчас боғлиқ экан, бизнинг мақсадимиз болажонларни оҳанграбодек тортадиган, ғамхўр, юксак одоб ва ахлоқка эга билимли кичик мутахассис кадрларни етказиб беришдан иборатидар.

Ҳамротош ШОДИЕВА,  
Каттакўргон педагогика  
касб-хунар коллежи  
директори

Каттакўргон шаҳар таълим ва фан ходимлари касаба ўюшмаси қўмитаси томонидан хизматчилар ва оила аъзоларининг маънавий, интеллектуал хукукларини химоя қилиш борасида талайгина ишлар амалга оширилмоқда.

Айтиш жоизки, ҳозирда тармоқ тизимида қарашли 50 дан ортиқ бошлангич касаба ўюшма ташкилотлари бўлиб, ўзида қарийб 3000 нафар касаба ўюшма аъзоларини бирлаштиради.

Тармоқ касаба ўюшмалар қўмитаси таркибидаги 18 та умумтаълим мактаби, 22 та мактабгача таълим муассасаси, 5 та мактабдан ташқари таълим муассасалари, 1 та махсус мактаб-интернат, педагогика, иқтисодиёт касб-хунар коллежлари хамда касб-хунар мактаби шулар жумласидандир.

Хусусан, тармоқ касаба ўюшмаси йилнинг ҳар чорагида ўтадиган ўзининг раёсат йиғилишида барча бошлангич ташкилотларнинг раислари иштирокида, ишчи ходимларнинг Ўзбекистон Республикаси Мехнат кодексида белгиланган хуққ ва манбаатлари таъминланниши, уларга яратилган иш шароитлари ахволини атрофлича таҳлил қилиб бормоқда.

Шўнингдек, касаба ўюшмаси қўмитаси ташаббуси билан “Ватан ҳимоячилари куни”, “Халқаро хотин-қизлар куни”, Наврӯз байрамларига бағишилаб маданий-маърифий, спорт тадбирлари ўтказилди. Таълим ва фан ходимларининг дам олишлари ва соғломлаш-

## МУРАББИЙЛАР МАНФААТИ ЙЎЛИДА

тириш масалалари ҳам назардан четда қолмаяпти. Қарияларни қадрлаш ийли муносабати билан жорий йилнинг биринчи чораги давомида тизимда меҳнат қилаётган нафакадаги педагог-ходимлар билан учрашувлар, давра сұхбатлари ўтказилди.

1,2,6,8-ўрта мактаблар, 5-максус мактаб-интернати ва педагогика, иқтисодиёт коллежлари жамоаси иштирокидаги “Эзгулик садоси янграсин!” мавзусидаги тадбир барчада катта таассурот қолдирди.

Бундан ташқари, 70-90 ёшдаги урущ ва меҳнат фахрийларнинг 13 нафарига хамда кам таъминланган кекса педагог-ходимларга дори-дармонлар хамда 150 минг сўм миқдорида моддий ёрдам кўрсатилди. Ишчи ходимлар учун соғлом турмуш тарзини яратиш мақсадида спортнинг 6 тури — волейбол, шахмат, шашка, теннис, арқон тортиш

бўйича мусобақалар ўтказилиб голибларга эсдалик совғалари топширилди.

Шу ўринда таъкидлаш жонизи, бу ишларда бошлангич ташкилотлардан педагогика ва иқтисодиёт касб-хунар коллежлари, хамда 2,5,6,8-умумтаълим мактаблари 5-мактаб максус-интернатлари намуна кўрсатмоқда. Касаба ўюшмасининг ёши улуф аъзоларидан 8 нафари “Ботаника”, “Чорток”, “Чинобод”, “Турон” каби сиҳатгоҳ масканларида дам олиб қайтганлиги кекса авлодга ғамхўрликдан дарак бермоқда.

Ҳар йили тармоқ тизимида қарашли Заражон дарёси соҳилида жойлашган Ибн Синономли соғломлаштириш оромгоҳида таълим муассасалари ўқувчилари З босқичда дам олиб қайтишмоқда.

Исматулло УМАРОВ,  
Каттакўргон шаҳар таълим ва фан ходимлари касаба ўюшмаси қўмитаси раиси



## ТАТАККУРНИ ЯНГИЛАШ САРИ

Боланинг шахс бўлиб шакланишида ота-она биринчи ўринни эгаллаши, у ҳаёт ҳакидаги асосий тушунчаларни ҳам ота-онасидан олиши аниқ ҳақиқатидар. Таълим муассасаларида эса уларга умуминсоний қадриятлар, Ватан, бўрч, тўрилик, поклик, ҳалоллик ҳақида, сабротоқатли, иродали, вижданли, ахлокли бўлишлари учун маънавий-маърифий, маданий сабоқлар берилади. Бу ишда педагогика ва психология фанининг аҳамияти бекиёдидар.

Каттакўргон педагогика касб-хунар коллежининг педагогика-психология кафедрасида олиб борилётган ишлар ҳам ёшлар онгини ва тафаккурини янгилаш сари йўналтирилган. Шуни алоҳида айтиш лозимки, коллеждаги барча фанлар бўйича ўтилаётган дарсларда эркин педагогика-психология жиҳатлари мавжудлиги таълим мазмуни ва унинг тарқибини янада чуқурлаштиришга имконият яратмоқда.

Педагогика фани машгулотлари янги педагогик технология асосида, ДТСга мос равишда олиб борилмоқда. “Таянч сигналлари”, “Мунозара-бахс дарси”, “Интеграцион (мужассамлашган) дарс”, дуал тизимида ҳамда “Ақлий ҳужум” дарслари шулар жумласидандир.

Психология фанининг эса диалог дарси, полипо-дарслари (гурӯх мунозара дарси)ни мисол килиб кел-

и.РЎЗИЕВ,  
коллеж Рейтинг-мониторинг  
гурухи раҳбари

## РЕЙТИНГ ИЗЛANIШГА ЧОРЛАЙДИ

латли ва комплекс баҳолаш бўйича кенг қамробли ишлар амалга оширилмоқда.

Жумладан, ўқувчиларнинг ўз билим ва маъзакаларини ошириши учун доимий, мустақил изланшии ҳамда ўзаро беллашиши учун мухит яратилди.

Айниқса, мазкур назорат шакли ёрдамида ўқувчиларнинг ижтимоий фанлардан узлуксиз тайёргарлигини таъминлаш билан бирга, ҳар бир фандан комплекс билим олишига эришиши ўйла кўйилди. Ўқувчиларнинг умумий билим сабвяси уларнинг рейтингин кўрсаткичлари асосида мунтазам таҳлил қилинмоқда.

Рейтинг ҳар бир ўқувчининг масбутиятини ошириши ва унинг педагогик фаолияти ҳамда маҳоратини баҳолаш мезони ҳамдир. Айтиш жоизки, юқоридаги ишларни янада пухта амалга ошириши учун барча ўқувчиларни янгича баҳолаш тизими бўйича дарс бериш, ўқув ҳужжатларини шу асосда юритиш стандартла-

ри юзасидан методик кўрсатмалар берилди. Ўқув гуруҳларида ва бўлимларда ўқувчиларнинг натижаларини таҳлилий ёритиш имконини берувчи рейтинг ойналари ташкил этилганлиги ҳам таҳсинга лойиҳа.

Олинган жорий, оралиқ ва якуний назорат натижалари таҳлил қилиниб, шу асосда ўқувчиларнинг билим, кўникма ва маъзакаларини оширишини янги усувлари яратилди.

Бу назорат турларининг аҳамиятини ва уларда ўқувчи масбутиятини ошириши мақсадидан назоратлар жадвали ўқувчиларни иш режаси ва мавзулар таҳвими асосида тузилмоқда.

Ўқувчиларнинг билимларини назорат қилиши учун саволлар ва тестлар банки ҳосил қилинди. Қолаверса, ҳар 6-7-ҳафтада барча ўқувчиларнинг рейтинг натижалари компютер ёрдамида гистограммаларда доимий ёритиб бориляпти.

Турли фанлар ва турли гуруҳлар ўртасидаги ўзаро ҳамкорликнинг самараси ўлароқ, иқтидорли ўқувчилар банки яратилиб, улар билан суст билимга эга ўқувчилар ўртасидаги педагогик мулоқот ташкил этилганлиги ҳам ижобий жиҳатдир. 6 ҳафталик рейтинг гистограммаси ташкиллари яхши натижалар берди. Масалан: ўқувчилардан 4-гуруҳдан Рафаэл Мирзаев, 5-гуруҳдан — Дилноза Сайдуллаева, 6-гуруҳдан Озода Муқимова, 8-гуруҳдан Шоҳиста Тўхтаевалар фанлар бўйича энг юқори балл кўрсаткичига эришилди.

И.РЎЗИЕВ,  
коллеж Рейтинг-мониторинг  
гурухи раҳбари

Сахифани Ўткир ПЎЛАТ ва  
Ботиржон ФОФУРОВлар  
тайёрлади

Таҳририятимизга келаётган хатларнинг бир қисми "Олий таълим янгиликлари" бўлимига тегишилди. Уларда бугунги кун билан ҳамнафаслик бор. Хатларни қайсида мавзуда кўнгил илинжи, деб ҳам атасак бўлади. Муаллифлар ўз мактубларини газета саҳифасида кўришни истайдилар.

"Маърифат"нинг хатлар саҳифасида бугун мамлакатимиз олий ўқув юртларидан малака ошириш институтларидан жўнатилган турли мавзудаги хатлар.

Абитуриентларни қандай қилиб тест синовларига тайёрлаш керак? Албатта, бу масалаларда ихтиёрийлик, абитуриентни ўз ҳолига кўйиб бериш кутилган натижани бермаслиги мумкин.

Хоразм вилояти педагог ходимлар малакасини ошириш институти жамоаси сабоб ишни ҳар ким, ҳар куни қилиши керак, деган фикрнинг амалдаги исботига киришди. Яъни

улар "Олий ўқув юртларига кирувчи ўқувчиларни ДТС талаблари асосида давлат Тест Маркази ахборотномалари бўйича тайёрлаш" мавзусидаги илмий-амалий семинар кенгаш ўтказиш ташаббусини кўтаришиб, бунинг удадидан чиқдилар.

Семинар-кенгашда вилоят таълим маркази мутахассислари, туман-шахарларнинг фан бўйича масъул методистлари,

ўқувчилар иштирок этиб, ўтган йилларда йўл қўйилган хато ва камчиликларни такрорламаслик хусусида фикрлашдилар. Тест технологиясини ўқувчиларга ўргатиш ва бу ишни мунтазам олиб борувчи илмий-марказларни таянч мактабларда ташкил қилиш, улар ишини назорат қилиб бориш масалалари ҳам таҳдил қилинди. Фан мутахассисларининг тайёр ишланмаларидан фойдаланиш тавсия қилинди.

О.ЭГАМБЕРДИЕВ

## ҲАММА БОШ ҚЎШГАН ҲАШАР

Жиззах давлат педагогика институтининг ўқитувчи ва талабалари баҳор келиши билан кўчат экиб, баг яратишга киришдилар. Қисқа вақт ичida институт ҳовлиси гуллаб-яшина бетди. Ободонлаштиришга нима етсинг!

Талабалар бояни ҳудудида 3500 метр ариқ қазилди. 5000 куб метр майдон тартибга келтирилиб, ўқув биноси ва талабалар ётоқхонаси атрофи тозаланди. Ҳашарга ҳамма бош қўши.

Наврӯз кунлари кам таъминланган талабаларга моддий ёрдам бериш ва бошқа тадбирлар ўтказилди. Ана шу мақсадда 246 нафар хотин-қизларнинг ҳар бирига 3000 сўмдан моддий ёрдам берилди. Яқинда "Ёш куч" журнали бош муҳаррири Э.Абдураҳмонов, "Синфдош" журнали бош муҳаррири А.Саид ва бошқа ижодкорларнинг талабалар ҳузурида бўлиши ҳам ана шундай эзгу амалларнинг давомидир.

## "ЛОЛА" УСТУН КЕЛДИ

Институтда ўтказилган "Кексалар қадри — юртимиз фахри" деб номланган кечака иштирокчилари бошлангич таълим услубияти бўйича таълим олаётган талабалар эди. Кексаларга ғамхўрлик, уларга берилган имтиёзлар, "Мустақиллик одимлари" ҳамда "Қариси бор уйнинг париси бор" мавзуларидаги альбом, деворий газета ва турли кўргазмалар томошабинлар ҳукмига ҳавола этилди.

3-курснинг "Лола" гурӯҳи энг кўп балл тўплаб, беллашув голиби бўлди. 4-курснинг "Қалдирғоч" ва 2-курснинг "Офарин" гурӯҳлари 2, 3-ўринни ќўлга киридилар.

Голибларга факультет деканати томонидан пул мукофоти, "Камолот" ижтимоий ёшлар ҳаракати томонидан Самарқанд шаҳрига саёҳат учун йўлланма берилди.

А.СОДИКОВ

Тошкент шаҳридаги немис тили чуқурлаштириб ўргатиладиган 60-мактабдаги анъанавий анжуманда Ўзбекистондаги Германия элчиҳонасигининг вакили жаноб Андреас Протманн, Швейцария элчиси жаноб Вильгельм Майер, Ҳалқ таълими, Олий ва ўрта махсус таълим вазирларининг вакиллари иштирок этилди.

Анжуманда немис ти-

## КУН ТАРТИБИДА НЕМИС ТИЛИНИ ЎҚИТИШ

лининг мактабларда, олий ўқув юртларида ўқитилиши, Ўзбекистонда иш юритаётган қўшма корхона ёки ташкилотларда фаолият юритишни истаган мутахассисларнинг тил билиш муаммолари ва истиқболлари, немис тили ўқитувчилари ўюшмасини тузиш масала-

лари кўриб чиқилди.

Ҳар бир соҳада бўлгани каби хорижий тилларни,

Anjuman


жумладан немис тилини ўқитишда ҳам талайгина муаммолар мавжуд. Дарс-

ликларнинг тақчиллиги, ўқитувчиларнинг етишмаслиги билан бир қаторда дарс соатларининг камлиги, ўқув режаларининг мукаммал эмаслиги, намуний дастурлар чуқур ишлаб чиқилмаганлиги иштирокчилар томонидан қайд қилинди.

Немис тили ўқитувчилари анжуманида кўтарилган муаммолар ҳақиқатан ҳам долзарб. Уларни ечишда янги тузилган немис тили ўқитувчилари уюшмаси аъзолари фаоллик кўрсатишига умид билдириб қоламиз.

Муборак БОТИРБЕКОВА,  
Тошкент давлат техника  
университети бизнес  
бошқарув факультети  
доценти

## «Ma'rifat»ga muktublar



## 20 ЁШЛИ "ОРЗУ"

"Орзу" дастасининг номи бўгунги кунда буҳоролик санъат муҳлисларига яхши таниш. Негаки, даста жамоаси вилоятда ўтказиладиган байрамлар, сайллар ва бошқа оммавий-маданий тадбирларда фаол иштирок этади. Ташкил этилганлигига яқинда 20 йил тўлган "Орзу"да бўгунга қадар юзлаб мактаб ўқувчилари санъат сирларини ўрганишган. Невмат Имомов, Муҳаммад Содиков, Убайдулло Каримов, Фазилат Ширинова сингари ўнлаб ўз ҳаётини ижрочилик, бастакорлик ва мусиқашунослик билан боғлаган буҳороликлар санъат бобидаги илк қадамларини Буҳоро шаҳар ўқувчилар ижодиёти маркази таркибида фаолият кўрсатадигани ана шу дастада кўйишган.

— Замонавий техника

воситалар билан жиҳозланган студияга эга "Орзу"да овоз ёзиш, мусиқали клиплар тайёрлаш имкониятларимиз бор — дейди даста бадиий раҳбари Бахшулло Каримов. — Шунингдек, дастамиз тўғрисидаги тўлиқ, маълумотлар интернет орқали тарқатилган бўлиб, яқин вақт ичиди хорижга гастролга чиқиш ниятимиз бор ҳам ийк эмас.

Яқинда вилоят марказидаги серҳашам Ибн Сино номидаги маданият саройида "Орзу" ўз юбилей концертини берди. Унда санъат сирларини ўрганаётган ўқувчи-ёшлар ижросида намойиш этилган дастур дастанинг ўзига хос ҳисоботи бўлди. Шаҳар жамоатчилиги, таълим ва маданият тизими вакиллари жамоани кутладилар.

Ж.ИСМОИЛОВ

## ИХЛОСНИ ОШИРАДИГАН САБОҚЛАР

Шу йилнинг февраль ойида А.Авлоний номидаги Ҳалқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш марказий институтидаги ҳуқуқ-иқтисод бўйича маҳсус курсда малака ошириш имкониятига эга бўлдим. Институт бизни ўз бағрига олар экан, тингловчилар учун барча шароитлар муҳайё қилиб қўйилганлигига, ётоқхона, ошхонада хизмат съло даражада ташкил этилганлигига амин бўлдик. Айниқса, мустақил ўқиш учун институт кутубхонасида яратилган шароитлар таҳсинга лойикдир.

Илк машғулотларда ёқ бу ерда жуда мустаҳкам интизом ўрнатилганини ҳис қилиш мумкин эди. Тартибга кўра, ҳар бир тингловчи курсга кириш тестини ва ундан чиқиш тестини топшириши шарт. Шунинг ўзиёқ тингловчи зиммасига катта масъулит юклайди. Чиқиш тестини топширган тингловчилар ўзининг қандай билим ва салоҳиятга эга эканлигига ишонч ҳосил қиласди.

Машғулотлар жараёнида ҳар бир ўтилган маъруза, ҳар бир соат дарс чуқур мазмуни билан бир-бирига ўхшамади ва тингловчилар бундан қониқиши ҳосил қиласди. Ушбу сабоқлар тингловчиларни ўзларининг иш фаолиятларини тубдан ўзгартиришларига асосий турткни бўлди, деб айтсан, муబолага қилмаган бўламан. Умрининг 38 йилини ўқитувчиликка сарфлаган каминанинг ҳам ўз касбига бўлган ихлос ва илҳоми янада ошиди.

Сариосиё туманидаги 31-мактабнинг тарих ўқитувчиси

# УМРИ ЭЗГУЛИККА БАҒИШЛАНГАН ЭДИ...

Хотира



Тошкент Давлат иқтисодиёт университети "Хукукшунослик" кафедраси мудири, профессор, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган юрист, "Мехнат шурхати" ордени сурвондори Тальят Саъдуллаевнинг тархими холига нозар ташласангиз, у бутун умрини адолатга, хукукий маданиятга, эзгуликка бағишилганлигининг гувохи бўласиз.

Т.Саъдуллаев ўзининг меҳнат фаолитини 1952 йилда Тошкент молия-иктисод институтининг "Хукукшунослик" кафедрасида ўқитувчилк лавозимидан бошлаган эди. Тошкент Халқ хўжалиги институтида, яъни Тошкент Давлат иқтисодиёт университетининг "Хукукшунослик" кафед-

**О.МАҲМУДОВ,  
А.ОРТИКОВ,  
ТДИУ Нуронийлар  
кенгаси раиси**

## Fanimiz fidoyilar

Ўзбек адабиётшунослигининг забардаст олимлари – Солиҳ Қосимов, Порсохон Шамсиев, Ҳамид Сулаймонов, Фаттоҳ Абдуллаев, Ҳоди Заиф кабилардан сабоқ олган, биргаликда меҳнат қилиш бахтига мушарраф бўлган Нурмуҳаммад Қобулов ёшлиқданоқ илмга ниҳоят даражада ташналик билан, улкан шижоат, юксак жасорат ва фидойилик билан кириди.

Унинг архивида сакланаётган минглаб метргади фотоплёнка ва илми-бадний асарлар, 30 дан ортиқ дафтафлафдаги газета-журнал мақолалари кирикимларини кўрар экансиз, сунгисиз бир ҳаффат қалбининчи ғуланди. Марказий шаҳарлар кутубхоналарида ойлар давомида ўтириб, кунт ва ихлос билан амалга оширилган бу ишлар ҳақиқатан ҳам таҳсинга сазовордир. "1920-1924 йиллар Хоразм адабиётининг шаклланиши ва ривожланиши" мавзусида илмий тадқикот олиб бораётган ёш олим учун бу қадар кенг кўламли манбаларни тўплаш аслида ҳам зарурят эди. Олим ҳалқига хос одат аслида китоб йиғиш-да.

Эътироф этиш керакки, фотоплён-

Ҳамза, Аваз, Факирий, Баёний, Мутриб, С.Муганий, Рогиб, Девоний, Чокар каби янги ўзбек адабиётининг пойдерорини кўйган шоири адиблар ҳақида биографик рисола ва мақолалар ёзи. Уларнинг асарларини тўплаш, таҳлил этиш, баҳолашга уринди. Воҳадаги адабий муҳитни умумёзбек адабиётининг узвий бўлгаги сифати олиб қараши, тарихий-иктимоий фикр тараққиёт билан боғлиқ ўзига хос белгиларини кўришга уриниши, айниқса характерлидир. Бу йўналишда Н.Қобулов ўнлаб алоҳида китоблар, юзлаб мақолалар эълон қилган. "Ўзбек совет энциклопедияси", Ўзбекистон Миллий Комисси каби нашрлар учун ҳам Хоразм адабий муҳити билан боғ-

## ОЛИМНИНГ ТОПГАНИ КИТОБСИР

каларни суратга ўтказиш, жорий имлога ўгириш, нашр қилиш, зарур изоҳлар билан таъминлаш ёлғиз тадқиқотчигина эзлами мумкин бўлмаган машиқат эди. Абдураззоқ Факирий, Аваз Парстав, Боту, Элбек каби ижодкорлар Нурмуҳаммад-Қобуловнинг диккат-эътиборини нисбатан кўпроқ жалб этди. Кейинчалик уларнинг ҳар бири ҳақида алоҳида-aloҳида китоблар ёзи. Олимнинг Тошкентдаги фаолияти 1970 йилда номзодлик диссертациясини мудафиятила ҳимоя килиш билан тугади. Бирор у А.Хайитметов, С.Эркинов, Т.Мирзаев, В.Мўминова, С.Ҳасанов, И.Ҳакқулов каби ўнлаб сафдошлари, илмий-адабий ҳамкор биродарлари билан алоқани ҳамон узгани йўк.

Олим илмий изланишларида биринчи навбатда кўзга ташланадиган жиҳат XX аср бошлари адабий-илмий ҳаётiga алоҳида диккат қаратилганигидир. Даврони умумлаштируви мавзулардан ташқари Н.Қобулов А.Авлоний, А.Қодирий, Сўфизода, Чўлпон,

лиқ 50 дан ортиқ мақолалар тақдим қилган.

Ўзоқ ўтмишга оид тарқоқ маълумотларни жамлаш, айрим ихтилофли фикрларга муносабат билдириш озмунча изланиши талаб қилмаган, албатта. Бир сўз билан айтгандга, Н.Қобуловнинг улуг хизмати ҳам айнан Хоразм адабиётини бир бутунликда яхлит ўрганганилиги билан белгиланади. Унинг қаламига мансуб 12 та алоҳида китоблар, 200 дан ортиқ илмий-оммабоп мақолалар Н.Қобуловга эллининг ардоги ва эъзозига мушарраф бўлиш баҳтини тақдим этди.

**О.АСҚАРОВ,  
Хоразм вилоят педагог  
ходимларини  
қайта тайёрлаш ва малакасини  
ошириш институти ректори,  
И.ЁҚУБОВ,  
ўзбек адабиёт кафедраси  
доценти,  
М.ПИРНАЗАРОВ,  
доцент**

Ишпулот Исонқулов  
Кўрғонтепа вилоятининг  
ҳозирги Тўрахон Исонқулов  
номли жамоа хўжалигига ту-  
филган.

Ўрта мактабни аъло баҳо-  
лар билан тутатиб, Тожикистон  
Давлат Университетининг  
иқтисод факультетида ўқиди.

"Қишлоқ хўжалигини ин-  
тенсивлаштиришининг самара-  
дорлиги" мавзусида диплом  
ишини аъло даражада ҳимоя  
қилди. Комиссия томонидан  
юқори баҳоланган диплом иши  
давом эттирилиши мақсадга



ди. "Менежмент ва тадбиркорлик" кафедрасининг мудири этиб Ишпулот Исонқулов тайинланди. 2001 йил "Менежмент ва Маркетинг" кафедраси ўрнига "Молия" кафедраси ташкил этилиб, унга И.Исонқулов раҳбарлик қилди. Ҳозирги вақтда "Молия" кафедраси профессор-ўқитувчилари доценти И.Исонқулов раҳбарлигида молия соҳасига юқори малакали мутахасислар тайёрлашда самарали фолият кўрсатишмокда.

Ишпулот Исонқулов бутун илмий-педагогик салоҳиятни кадрлар тайёрлаш миллӣ дастурини

## МЕҲНАТИ ҲАЁТИГА БЕЗАК

мувофиқ деб топилиб, Ишпулот Исонқулов "Қишлоқ хўжалигига ихтисослаштиришининг самара-дорлиги" мавзусида номзодлик диссертациясини мудафиятила ҳимоя қилди.

Бир қанча илмий-услубий ишлари ҳамда ёшларни тарби-ялашдаги хизматлари ҳисобга олинниб Республика ҳалқ маорифи аълочиси унвони билан тақдирланди.

Устоз Тошкент Автомобиль ва йўллар институти Термиз филиали Термиз Давлат Университети таркиби, "муҳандис техник" факультети сифатидаги кирилтгач, университетда "Молия-менежмент" факультетида ташкил этилди. Факультетда "Молия-солиқ", "Менежмент ва тадбиркорлик" ва "Ахборотлар технологияси" кафедралари тузил-

ти моиий фанлар кафедрасининг до-  
центи вазифасида иш бошлади.  
Кейинроҳ Тошкент автомобиль ва  
йўллар институти Термиз филиали  
да иқтисод йўналишидаги таш-  
кил этилган кафедра мудири бўлиб  
ишлай бошлади.

Тошкент автомобиль ва йўллар  
институти Термиз филиали Термиз  
Давлат Университети таркиби, "муҳандис техник" факультети сифатидаги кирилтгач, университетда "Молия-менежмент" факультетида ташкил этилди. Факультетда "Молия-солиқ", "Менежмент ва тадбиркорлик" ва "Ахборотлар технологияси" кафедралари тузил-

ҳаётда татбиқ этиш учун қаратди.  
Талабаларга чуқур билим бериш  
билан бирга, уларда бозор иқти-  
содиёти шароитида Молия-менеж-  
мент ҳақида малака ҳосил қилиш,  
тадбиркорлик кирраларини ўрга-  
тиш, иқтисодий қонунларни янги  
шароитда амал қилиш характеристи-  
ни аниқлаш ва ҳоказоларга эъти-  
бор бериб келмоқда.

Ишпулот Исонқулов яхши оила  
бошлиғи ҳамдир. Унинг тўртта  
фарзанди ҳалқ хўжалигининг тур-  
ли соҳаларида ишламоқдалар.

**У.УМАРОВ,  
профессор  
Ю.ВАЛИҚУЛОВ,  
доцент**

Элизим орасида од-  
дий, жағоқаша инсонлар  
кўп. Уларнинг ҳаётини  
сингичлаб ўргансанг  
ўзинг учун олам-олам  
сабоқ оласан. Ана шун-  
дай ҳаётни мисли китоб  
инсонлардан бирни бу Бу-  
хор Юсуповдир. Бу ин-  
сон иш фаолиятини за-  
водда оддий ишчилардан  
келажак ёшларига Ва-  
танимиз тарихини

## ЖАФОҚАШ МУАДДИМ

"хукукшунослик" фа-  
культетида сиртдан  
таълим олган. Шу со-  
ҳада билимларини орт-  
тириш учун 1969 йили  
Гузор тумани Ички иш-  
ларларни бўйича ишлаган.  
1995 йилдан эса Бухор  
Юсупов ўзининг педагоги-  
ки фаолиятини 1-сон-  
ли мактабда бошлаган.  
Домла Республика хуку-  
мати томонидан юрт  
келажаги равнақи ўли-

да қабул қилинаётган  
ҳар бир қарорларга, чи-  
қарилаётган фармон-  
ларга ўз муносабатини  
бидириб, ўқувчилар он-  
гига ижобий маънода  
чуқур таъсир ўтказа-  
лади.

Бухор Юсупов ҳозир-  
да ҳам ҳормай-толмай  
келажак ёшларига Ва-  
танимиз тарихини



Муҳтарам  
Нурсратула  
НАЗАРҶУЛАЕВ!

Баҳорнинг сўлум ва  
тароватли кунларида ни-  
шонланаётган таваллуд  
айёмингиз билан чин дил-  
дан муборакбод этамиз.  
Сизга узоқ умр, сиҳат-са-  
ломатлик, файзли, хона-  
донингизга кут-барака, ҳалқ таълими соҳа-  
сидаги шарафли ҳамда масъулиятли ишин-  
гизда мудафиятилар тилайниз.

Энг яхши эзгу истаклар билан,  
Нурота тумани ҳалқ таълими  
бўлими жамоаси

Республика ўқувчилар техник ижодиёт  
Маркази жамоаси кутубхона мудираси Гул-  
чехра Жалиловани 50 ёшлик таваллуд топган  
кунлари билан табриклайди, самимий кутлай-  
ди. Соғлиқ-саломатлик ва узоқ умр тилайди.  
Иш жараёнида чарчамасликка чорлади.



Хурматли  
Рустам НАЗАРҶОСИМОВ!  
Сизни таваллуд айёмингиз  
билан чин дилдан табриклайди.  
Сизга узоқ умр, оилавий  
баҳт тилаб қоламиз. Эн авлод  
тарбиясидаги самарали меҳни-  
зингизни доимо ҳурмат билан  
тилга оламиз. Ушбу йўлда  
қўшаётган ҳиссаларингиз зна-  
ҳам ривож топишига тилак-  
доимиз.

Чиноз туманидаги 9-ўрта  
мактаб жамоаси

Муҳтарам ҳамасимиз  
Зарҳол Жабборова!  
Сизни таваллуд кунингиз  
билин чин дилдан кутлайниз.  
Самарқанд ылолоти Кўмработ  
туманидаги 1-ўрта мактабда муда-  
бийлик фаолиятингизни дав-  
лом эттирипдан асло ҳориманг.  
Эн катта бойлик – соғлиқ ҳам-  
роҳитиз бўлсин. Авалло фар-  
зандларингиз, қолаверса юзлаб  
шогирдларингиз камолини кўришдек баҳт Сизга на-  
сиб этсин.

I-мактаб педагогик жамоаси  
ва оила аъзоларингиз

Азиз ва мўътабар устозимиз  
Олимбек Жумаинов!  
Сизни муборак 50 ёшигиз би-  
лан кутлайниз. Ўтган умригизнинг  
асосий қисмими Тошкент Давлат  
Иқтисодиёт Университетида илм-  
фана, шогирдлар етиштиришга ба-  
нишлаганингизни ўзи катта савоб-  
дир.

Сизга билдирадиган тилаклари-  
ни: 50 ёш олим учун изланиш давридир.  
Иқтисод фани боидаги  
илмий изланишларингиз ҳалқимиз турмуш даражасини  
юксалтиришга ҳизмат қилаверсан.

Шогирдларингиз

Қадрли  
Ислом Маманукуров!  
Яқинлашиб келаётган 1 май  
– таваллуд кунингиз муборак  
бўлсин! Сизга узоқ умр, сиҳат-  
саломатлик, оилавий баҳт ти-  
лайниз. Раҳбарлик ва педагогик  
фаолиятингизда улкан зафар-  
ларни кўлга кириштаверинг.

Хурмат билан Тошкент вилоят  
Оққурғон туманидаги 46-мактаб  
жамоаси

Хурматли ҳамкебимиз  
Рауф САЙДОВ!  
Сизни таваллуд айёмингиз ва 70  
баҳорни қаршилаётганингиз билан  
чин дилдан самимий табриклайди.  
Сизга узоқ умр, баҳт-саодат, пе-  
дагогик ишларингизда зафарлар ёр-  
бўлишини тилаб қоламиз.

Чилонзор туманидаги  
131-мактаб  
педагогик жамоаси ва  
шогирдларингиз

Истиқлол Ватанимиз тарихини холисона кузатиб, баҳолашга имкон берди. Жумладан, мамлакатимизнинг Россия империяси мустамлакаси таркибида бўлган даврининг ўзига хос хусусиятидан бири — ўлкамиз империянинг муҳим хом-ашё базаларидан бирига айлантирилган эди. Ўзбекистон мустақил давлат ўлароқ, тенглар ичра тенг, жаҳон ҳамжамиятида ўз ўрнига эга, дунё бозорида ўз маҳсулотлари билан эркин қатнашаётган бугунги кунларда ўтган кунларга бир назар ташлаш фойдадан холи бўлмайди. Мавзуни миңтақамизга хос бўлган иқтисодиёт тури — пахта тозалаш саноати тарихидан танладик. Мисол тарикасида, Самарқанд вилоятидаги ушбу саноат турининг ўтган аср бошларида ҳолати юзасидан сўз юритамиз.

Россия Ўрта Осиёни забт этгандан сўнг, мустамлака маъмурияти ўлкани эксплуатация қилишининг энг фойдалари ўйларини излай бошлиди. Рус капитализмига ўз фабрика-заводлари учун хомашё манбалари билан бирга тайёр маҳсулотларини сотиш учун бозорлар ҳам зарур эди.

Самарқанд вилоятининг мустамлака давридаги иқтисодий ахволи тўғрисидаги маълумотларга қараганда, бу ерда 1898-1899 йилларда 8 мингдан ортиқ савдо-саноат идоралари қайд этилган эди. Улардан атиги 88 таси саноати мусасасаси бўлиб, ишлаб чиқаришнинг умумий суммаси 3889500 рублни ташкил этарди, қолганлари эса савдо-саноати характеристида бўлган.

Бу идораларнинг машгулоти асосан пахта савдоси, Россиядан келтирилган ип-газлама ва темир буюмлари, озиқовқат маҳсулотлари ҳамда бақсоллик савдоси бўлган.

Вилоят саноатида пахта тозалаш корхоналари салмоғи анча юқори бўлганлигини таъкидлаш лозим. 1897-1899 йилларда 22 та пахта тозалаш заводига асос солинган ва ишга туширилган эди. Улардан 9 таси Самарқанд, 7 таси Хўжанд, 5 таси Каттакўрон, 1 таси Жиззах уездларида бўлган.

Самарқанд вилояти шаҳарларида, хусусан Самарқандда — 8 та, Каттакўронда — 6 та, Хўжандда — 5 та ва Жиззахда — 1 та завод бўлиб, улар пахта тозалаш ишлаб чиқариши марказлари эди. Бу заводлар эгаларининг 11 нафари маҳаллий тадбиркорлар, 5 нафари рус, 3 таси Россия ширкатлари бўлиб, битта завод афғонистонлик тадбиркорга тегиши эди. Мазкур заводларни эгаларининг ўзлари ҳар бири 3 мингдан то 60 минг рублгча сарфлаб куришган эди. Улардан фақат "Катта Ярославль манифактураси"га, "Россия товар пахтчилиги" ширкатига, шунингдек, тадбиркорлар Югович ва Миндерга тегиши 6 та заводнинг жиҳозланиши техникавий талабларга жавоб берарди.

Заводлар томонидан қайта ишланган пахтанинг ҳаммаси асосан америка навларидан бўлиб, маҳаллий пахта навларининг ҳиссаси эса умумий миқдордан 2 фоизни ташкил этган.

Юқорида айтиб ўтилган 1898 йил маъ-

## "ЕР САЙЁР АСИ КУНИ - 2002"



"Ер куни"ни нишонлаш сўнгти йилларда Ўзбекистонда ҳам оммалашиб бормоқда. Тошкент вилоятининг Паркент шаҳрида "Ер куни"га бағишиланган экологик байрам ва маҳсус семинар ўтказилди. Ушбу тадбирлар ТАСИСнинг "Гарбий Тяншан биологик хилма-хиллигини сақлаш" дав-

латлараро лойиҳаси доирасида тайёрланди ва амалга оширилди. Экологик байрам ва семинар ишида Паркент тумани ҳокимияти, БМТ Ривожланиш дастури вакиллари, Чотқол биосфера қўриқхонаси яқинида жойлашган Заркент, Сўқоқ, Невич, Ҳисорак қишлоқ фуқаролар йигинлари раҳбарлари, Бўстонлик туманидаги Думалок, Чах-Чам, Қорамозор қишлоқлари фаоллари, мактаб ўқувчилари, "Работ Малик" саёҳатчилар ассоциацияси аъзолари қатнашдилар.

Мактабларда Чотқол биосфера қўриқхонаси ўсимлик ва

ҳайвонот дунёсини қўриқлаш мавзусида турли конкурслар ташкил қилинди. Заркент қишлоғида "Энг яхши оила" конкурси ўтказилди.

Паркент тумани ҳокими ўринбосари X.Эрматов ўз табрик сўзида "Ер куни" байрамининг аҳамияти ва ТАСИС лойиҳаси кўмагида бу байрамнинг яхши анъанага айланётгани, маҳаллий аҳолининг қўриқлашадиган ҳудудларга муносабатининг ижобий ўзгараётганини түргисида гапирди.

Шундан сўнг Ҳисорак қишлоғидаги 12-мактаб, Паркент шаҳридаги 1-мактаб, Невич қишлоғидаги 20-мактаб ижодий гурӯҳ-

ларининг чиқишиларида куй-кўшиклар янгради, ўзбек миллий урф-одатлари, қўриқхона ва аҳоли ўртасидаги муносабатларни кўрсатадиган бадийи чиқишилар намойиш қилинди. Экологик байрамда намойиш қилинган фотосуратлар, расмлар, доривор ўсимликлар қатнашчиларда катта қизиқиш ўйғотди.

Мазкур ўтказилган семинарда лойиҳа экспертлари, қишлоқ фуқаролар йигинлари раҳбарлари төғли ҳудудлардаги ўрмонларни муҳофаза қилиш, яйловлар ҳолатини яхшилаш, биологик хилма-хил-

ликка инсон таъсирини камайтиришнинг долзарб масалалари бўйича ўзаро фикр алмашдилар.

Ҳасан ТУРСУНОВ  
Суратларда: тадбирдан лавҳалар.  
Марина Цой олган суратлар.



Душанба, 29

Сешанба, 30

Чоршанба, 1

Пайшанба, 2

Жума, 3

Шанба, 4

Якшанба, 5

## «Ўзбекистон» телеканали

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»  
8.00-8.45 «Таҳлилнома».  
8.50 «Камалак».

9.20 «Ўзбектелевизион»  
намойиши: «Бойсун».

9.40 «Туртничи хокимият».

10.00, 12.00, 14.00, 18.00

ЯНГИЛИКЛАР

10.05 «Мимино». Бадий фильм.

11.35 Ўзбекистон телерадиоком-

панияси эстрада-симфоник

оркестрининг концерти.

12.05 «Рангин дунё».

12.25 «ТВ альманах».

12.45 «Кўйла, ёшлигим».

13.00 «Ошин». Телесериал.

13.30 «Ўмид ниҳоллари» спорт

йўйинлари кундаглиги.

14.10 «Олтин тоҳ».

14.45 Кундузги сеанс:

«Жабраланувчиларнинг

даъвоси йўқ».

16.15 «Кўнвоқлар ва зукколар».

Телемусобака.

17.25 TV клип.

17.35 «Ўзбектелевизион» намойиши:

«Хукукӣ-демократик

жамият йўлида».

18.10 «Орзулар қанотида».

18.25 «Мулк».

18.45 «Бахтили воказ».

19.30 «Ахборот» (рус тилида)

20.00 Оқшом эртаклари.

20.15 Биржа ва банк ҳабарлари.

20.30 «Ахборот».

21.05 «Қўшиғимиз Сизга

армугон».

21.30 «Ўмид ниҳоллари» спорт

йўйинлари кундаглиги.

22.00 2002 йил - Карияларни

кадрлаш йили. «Париси бор

йўй».

22.30 «Милионлар ўйини».

22.55 «Ахборот - дайжест».

«Ёшлар» телеканали

9.00 Давр тоғи.

10.00 «Янги авлод» студияси:

«Спорт майдончаси», «Келинг

танишайлик».

10.25 Саломатлик сирлари.

10.45 Якшанбада кўришгунча.

11.00 «Давр» ҳафта ичди.

11.30 Мусикий лаҳзалар.

11.40 «Кўсто командасининг сув

ости саргузашлари».

12.30 Давр-new.

13.05 Олимжон Салимов. «Боз

масҳаробоз». Республика ёш

томошабнлар театрининг

спектакли.

14.20 «Нокат».

14.45 Кўхна оҳанглар.

14.55 «Гаройб бола». Бадий

фильм.

16.20 Спорт ҳафтаномаси.

16.35 «Оби хаёт». Экологик

телехурун.

16.50 Олтин мерос.

16.55 Кўрсатувлар дастури.

17.00 «Янги авлод» почтаси,

«Билагон маслаҳати».

17.25 «Мультомоша».

17.50 «Чинчи салёра» маъри-

фий дастури.

18.40 Оқшом наволари.

18.55, 21.55 Иклиз.

19.00 «Давр». Ахборот дастури.

19.35 ТВ-анонс.

19.40 Давр-интервью.

19.50 Кўхна оҳанглар.

20.00 Сифат белгиси.

20.10 Марди майдон.

20.30 Ёшлик кўшиклири.

20.55 Иклиз.

21.30 Ёшлар овози.

21.50 Олтин мерос.

22.00 «Давр». Ахборот дастури.

22.40 «Мұхаббат қаҳваси».

Телесериал.

23.05 «Ёшлар» телеканалида

спорт: Интерфутбол.

«Тошкент» телеканали

17.20 «Санта-Барбара».

18.00 Мультфильм.

18.10 «Шаҳримиз дуродонлари»

(Қўқандош мадрасаси)

18.25, 20.00, 21.25, 22.20

«Пойтак». Ахборот дастури.

18.45 ТВда сериал: «Инданба».

3-4 сериялар.

19.35, 21.10, 22.05 «Экспресс»

тегезгасетаси.

19.50 «Эҳтиром ила».

20.30 ТВда сериал: «Бебилиска

пул».

21.45 «Аёл-она, мураббий,

раҳбар» телеклуби.

22.45 Кинонигоҳ. «Истевъодли

жаноб Ригли». 2-қисм.

«Халқаро» телеканал

РЖТ 6.30-8.00

16.05 «Вести».

16.25 «Жаҳон бўйлаб».

17.15 «Бугун оламда». РЖТ

17.25 Е. Петросяннинг «Кулгу

панорамаси».

18.00 «Оилаславий ришталар».

Сериал.

19.00 «Рус рулеткаси».

20.00 «Время».

ЎзТВ-IV

20.35 «Ҳаёллар ороли».

Сериал.

21.20 «ART-каталог».

21.35 Кинематограф. «Кўй

бўйидаги наво».

РЖТ

23.00 «Монте-Карло-2002».

Жаҳон мусиқаси танлови.

00.15 «Ахборот» (рус тилида)

Сешанба, 30

Чоршанба, 1

Пайшанба, 2

Жума, 3

Шанба, 4

Якшанба, 5

## «Ўзбекистон» телеканали

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»  
8.00-8.45 «Ахборот».

8.40 Газеталар шархи.

9.00 «Ўзбектелевизион» намойиши:

«Сўзана».

9.10 «Кўхна замин оҳанглари».

9.40 «Софлом она - соғлом

боя».

10.00, 12.00, 14.00, 18.00

ЯНГИЛИКЛАР

10.05 «Мулк».

10.25 «Олтин калип». Бадий

фильм.

11.40 «Сарҳад билмас дўстлик».

12.05 «Билмасвой рулда».

Мультифильм.

12.30 «Ўзбекистон - Ватаним

маним».

13.30 «Останси тиллодан».

13.30 «Ошин». Телесериал.

14.10 «Баркамол авлод орзу».

14.30 «Санъат учун. «Санъат

ғунчалари».

Болалар учун. «Санъат

ғунчалари».

Мультифильм.

# ЭНГ АСОСИЙСИ ЭЪТИБОР

Тошкент юридик колледжида бунгунда жисмоний тарбия ва спортни янада ривожлантириш, ёшларни ҳар томонлама этик ва баркамол килиб тарбиялаш мухим вазифалардан бирни этиб белгиланган. Шу сабабли "Баркамол авлод" спорт ўйинларини ташкил этиш ва юкори савиядага ўтказиш колледжнинг ҳаётий заруриятига айланди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси 2-чакирик 2-сессиясида қабул қилинган янги таҳирдаги "Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида" ги конуннин ҳамда Вазирлар Махкамасининг 1999 йил 27 майдаги "Ўзбекистонда жисмоний тарбия ва спортни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида" ги 271-сонли қарорини ошириш мақсадида Тошкент юридик колледжида бир қанча спорт тадбирлари ва байрамлари бўлиб ўтаяпти.

Шу жумладан "Баркамол авлод" спорт ўйинларининг I-босқич коллеж биринчилиги спортнинг 10 та туридан, яни баскетбол, волейбол, футбол, енгил атлетика, кураш, шахмат, шашка, стол тениси бўйича мусобақалар 2001 йилнинг октябрь-дебокърь ойларида бўлиб ўтди.

I босқич туман биринчилигида коллеж терма жамоаси жуда муваффақиятли иштирок этиб, баскетбол (ўғил ва қиз болалар), шахмат (ўғил болалар), стол тениси (ўғил болалар), сузиш бўйича (қиз болалар) коллеж терма жамоаси I-ўринни олишида ва III босқич – шаҳар миқёсидағи финал босқичига йўл олдилар. Ҳозирда эса шу босқичга қизгин тайёргарлик кўраятилар. Бундан ташкил спорт тўғракларига коллеж талабалари ўқитувчи ва ходимларидан тузилган жамоалар қатнашиб, машгулот олиб бормоқ-

далар. Спорт тўғраклари доимий равишда ишлаб турибди. Бу тўғракларга тажрибали жисмоний тарбия ўқитувчилари З. Икромов, Ш. Тўраев, А. Рахимов, С. Исмоилова, А. Тиллаев ва жисмоний тарбия раҳбари У. Жалиловлар раҳбарлик килишимокда.

Коллежда, шунингдек, турли байрамларга жумладан, "Наврӯз" умумхалқ байрамига багишлаб футбол бўйича талабалар ва ўқитувчилари терма жамоалари ўртасида кизикарли мусобақалар уюштирилмоқда..

Бу мусобақаларда коллеж талабалари ва ўқитувчи-ходимларидан иборат терма жамоалар ўзаро куч синашишади. Қизгин баҳслар остида ўтказиладиган ушбу мусобақалар албатта, ўқитувчи ва талабалар орасидаги муносабатни янада якинлаширади.

Тошкент юридик колледжида 2 мингга яқин талабалар кундузги бўлимда таҳсил оладилар.

Шундан 200 дан ортиқ талабалар "Алномиш" ва "Барчиний" тест синовларини аъло даражада топширдилар. 300 дан ортиқ талабалар I-II-III даражали разрядларга эга. 10 дан ортиқ спорт усталигига номзод талабалар бор.

800 дан ортиқ талабалар спортнинг 7 та туридан футbol, волейбол, баскетбол, шахмат-шашка, стол тениси, енгил атлетика тўғракларига доимий қатнашиб келмоқдалар. Туман, шаҳар, республика миқёсидағи мусобақаларда фахрли ўринларни кўлга киритмоқдалар.

Ушбу спорт турнирларини ўтка-



зишда, барча шарт-шароитларни муҳайё қилишда, шубҳасиз, коллеж раҳбари Мухаррам Сатторованинг хизматлари бекиёс. Коллежнинг иммий ва маънавий ишлари кўплигига қарамасдан М. Сатторова спорт ва жисмоний тарбияни яхшилаш учун ҳам вакт топиб, коллежда спорт тадбирларини ўтказишга ёрдам бериб келмоқда. Тошкент юридик колледжида коллежнинг кўмма кубоги таъсис этилган бўлиб, у ҳар иили ўтказилиб келинаётган футбол мусобақасида биринчиликни кўлга киритган жамоага берилади.

Бу йил ҳам ҳечдан кўра кеч деганларидек, апрель ойида "Наврӯз" умумхалқ байрамига багишлаб футбол бўйича финал босқичи ўтказилди. Унга кўра коллежнинг II курс талабалари I ўринни, ўқитувчилар жа-

Акмал ИСЛОМОВ

## AMERICAN COUNCILS АСПРЯЛ □ АКСЕЛС

ТАЪЛИМ БЎЙИЧА ХАЛҚАРО  
АМЕРИКА КЕНГАШИ

### "Инглиз тили ва Америкашунослик ўқитишидаги аълочилик" дастурининг прес - релизи

• Бу дастурнинг пайдо бўлганига 5-йил кетаяпти.

• Бу дастур ўрта мактаб инглиз тили ва Америкашунослик ўқитувчилари учун мўлжалланган. Дастурда иштирок этадиган ўқитувчилар З. Йиллик иш стажига эга бўлишлари шарт.

• Бу дастурдан кузатилган мақсад ўқитувчиларнинг иш мақасини, ўз ишига қанчалик қизиқишини ва ўкув жараёнага янгилик киритишларини аниқлайди.

Бу дастур шундай ўқитувчиларни ва уларнинг мактабларини ўкув-услубий дарсларидар ва техник воситалар билан таъминлайди ва бундан ташкил музаллимларга Америкада малака ошириш имкониятини беради.

Дастлабки тўрт йил мобайнида АКСЕЛС ва АҚШ давлат департаментининг Таълим ва Маданият Бўлими 144 ўқитувчини 30000 минг АҚШ долларига арзидиган ўкув анжомлари билан ва 144 та мактабни 360000 АҚШ долларига арзидиган техник воситалар билан (компьютер, принтер, ксерокс) таъминлайдилар.

Мактаблар ҳамда ўқитувчилар махсус мукофот билан тақдирланадилар. Бу мукофот намунали иш олиб бораётган ўқитувчиларга, шунингдек, ўз ўқитувчиларининг маҳоратини оширишга фаол ёрдамлашаётган мактабларга берилади.

Шу дастур доирасида Ўзбекистоннинг 13та вилоятидан 40 нафар ўқитувчи АҚШда 7 ҳафталик малака ошириш семинарида иштирок этишиди. Улар таълим соҳасидаги Америкали экспертлар раҳбарлигида ишлашади.

• Бу дастур алмашув дастури бўлганлиги сабабли АҚШнинг 8 нафар ўқитувчилари Ўзбекистонга ташриф буюрдилар ва ўзбек музаллимлари билан узоқ муддатлик иш олиб бориш учун маҳаллий мактаблар билан танишдилар.

• Шундай алмашув натижасида Самарқанд ва Тошкентдан 20 нафар ўкувчи сўнгги иккى ёзги таътил давомида АҚШга бориб келишиди. Улар борган мактаблари ва атрофдаги музит билан танишиди. Бунинг эвазига юкоридаги айтиб ўтилган АҚШнинг мактаб ўқувчилари Ўзбекистонга иккى маротаба келиб кетишиди.

• Дастур ғолибларини кўллаб-куватлаш мақсадида биз уларга ресурс марказларини очишида ёрдамлашдик.

• 2002 йилда ҳам яна 10 нафар ғолиби Америкага юбориш ниятимиз бор ва шу билан бирга яна 50 нафар иккичи босқичнинг ғолиб ўқитувчиларини ва 50та мактабни 10000 АҚШ долларли китоблар билан ва 93000 минг долларли техник воситалар билан таъминламоқчимиз.

Шунингдек, 2002 йилнинг баҳорида АҚШдан келган ўқитувчиларни Ўзбекистонда қабул қиласиз.

### Ўзбекистон Республикаси бўйича "Инглиз Тили ўқитувчилик Соҳасида Аълочилик Мукофоти" Дастурининг 2002 йилнинг миллий ғолиблари рўйхати

Фуломова Н.Б.	1-гимназия	Қарши	Қашқадарё вилояти
Мариничева И.И.	1-ўрта мактаб	Тошкент	Наманган вилояти
Хатамова Н.К.	11-ўрта мактаб	Навоий	Навоий вилояти
Зугуров У.Д.	Самарқанд Давлат чет тиллар институти қошидаги академик лицей	Самарқанд	Самарқанд вилояти
Гостюхина И.А.	Гимназия "ПАРВОЗ"	Фарғона	Фарғона вилояти
Алиева М.Р.	16-ўрта мактаб	Бухоро	Бухоро вилояти
Поликарпова Т.Б.	16-ўрта мактаб	Олмалиқ	Тошкент вилояти
Никифорова Н. Н.	Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети қошидаги академик лицей	Тошкент	Тошкент шаҳри
Енгулатова Т. К.	3-гимназия	Урганч	Хоразм вилояти
Жакупова А.У.	"ПРОГРЕСС" таълим маркази	Нукус	Корақалпоғистон
Исманова С. Д.	1-мактаб-интернат	Охунбобоев	Андижон вилояти
Мавлянова Д.Ю.	33-ўрта мактаб	Наманган	Наманган вилояти

\*\*\*  
**Йўл бетида тераклар,  
Сизга қараб дил қонар.  
Гоҳо кўнгил қувонар,  
Неларни шивирлайсиз,  
Бизни огоҳ этингиз?..**




**Гоҳ яшил, оқ юзингиз,  
Нега учди ҳушингиз?  
Ҳар баргда дард яширин  
Юрак сирин очингиз,  
Бизни огоҳ этингиз...**

**Осимон билан сирлашиб,  
Доим мағрур юрасиз.  
Ва доимо ҳамжиҳат  
биргалиқда турасиз.**

**Менга ўхшаш ой қизлар,  
Ўйин билан ҳар баргга  
Дил сўзларин ёздими?  
Гоҳ оқарар юзингиз,  
Нечун нозик жисмингиз,  
Бизни огоҳ этингиз.**

Саодат МЕЙЛИЕВА,  
Фузор шаҳридаги 13-касб-хунар  
коллекцији ўқитувчиси



## НИКОХ ТҮЙИ

Никоҳ тўйи ораларида никоҳ бўлган эр билан хотиннинг илк марта кўришмаклариидир. Рафиқа бўлмиш хотин билан кўришгандан шафқату ёхтиром билан салом бермоқлик, мулоҳиму очиқ юз билан сўзлашмоқлик адабдир. Ҳар нарсадан ҳам аввал эр билан хотин ҳар иккиси Аллоҳ таолодан ҳалол ризқ ба эзгу зурриётлар сўраб дуо қилсалар гўзал бўлур. Хусусан бу бақт ҳар иккай тарафнинг кўнглига мулоҳимлик таъсир қилур. Дуо қилмоқ учун бундай бақтлар ганиматдир.

Хотиннага унинг яхинлари гийбат этмишдан, никоҳ бақтида қариндошлилар орасида бўлган баъзи муносабатсиз воқеаларни янгалатишдан, маҳр кўплиги жиҳоз озиги каби нарсалардан, бошқаларнинг тўйлари шуҳратлию жиҳозлари кўплигидан, бегона хотинларнинг гўзламикларидан куёвларига бўлган

журматларидан баҳс этиши маслаҳат берилмайди. Зеро, бу соатлар хотинларнинг обрўлари тўқиладиган бақт эмас, балки кўнгилларига таскин бериладиган бақтдир. Номусли кимса бундай нарсалар ҳақида тўй кечасида эмас, ҳамто бошқа бақтларда ҳам хотинига сўзламас ба ҳамто умри борича орада можаро чиқармас. Тўй маросими ба бошқа бақтларда ҳам кўп кулиши, доим аччиши чиқсан каби туриш, бошқа хотинларни мадҳ қилиш ҳам тарбияли эрлар иши эмас.

Тўй маросими бақтида маҳрамлардан бирортаси қизни ўзининг ҳомийси бўлган эрига кўришиши муносиб бир иш бўлади. Лекин шу бақтда номахрам хотинларнинг бирга бўлиши ёки бир неча ёши қизларнинг ясанаб-тусаниб қиз билан куёв ёнларида чой ишиб ўтишилари ахлоқу шариат жиҳатидан мувофиқ иши эмас. Зеро, одам боласи уйланишга табиату

ижтимоий жиҳатдан мажбур бўлса-да, асл мақсад иффат билан яшаш ва кўнгилли тарбия этишидир. Эндигина иффат бўлган бир ишининг ниҳоясида, ҳамто хотини бўлгубси қиздан ҳам зиёда безанганд ёш қизлар билан биргалиқда ўтишиб ўтирилса, иффат қаерда қолади? Хусусан, анчагина фикру андиса, кўп машакъатлар билан ортирган хотини бўлажак қизнинг кўнгли уларни кўриб роҳатсиз бўлгани ҳолда, маълум ўша ёш қизлар томошага келганиларидан кўнгилга севинчли ба мулоҳим кўрилмоқлари ёхтимолдир. Балки шу соатда куёв бўлажак кимсанинг кўнгли иккинчи бир қизга болжаниб қолиши ва шу сабабдан унинг наздида ўз хотиннинг ҳурмати пасайишiga боис ҳам бўлур. Шунинг учун бу хил одатни тўғри деб бўлмас ва уни тугатиш керак.

“Оила” рисоласидан.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги, ўрта маҳсус касб-хунар таълими маркази жамоаси Хоразм вилояти ўрта маҳсус касб-хунар таълими бошқармаси бошлиғи Полвон Қаландаровга отаси

Искандар ота ҚАЛАНДАРОВ вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

Самарқанд вилояти ўрта маҳсус касб-хунар таълими бошқармаси жамоаси Хоразм вилояти ўрта маҳсус касб-хунар таълими бошқармаси бошлиғи Полвон Қаландаровга отаси

Искандар ота ҚАЛАНДАРОВ вафоти муносабати билан таъзия изҳор этади.

Офтобда қорайиб кетмаслик учун ҳимоя кремларидан бирортасини суртиши мумкин. Кўчага чиқишидан олдин юзга юпса қилиб ҳимоя креми суртилади. Иложи борича сепкилга, қорайиб кетишига қарши кремлардан фойдаланишдан ўзингизни тортиш. Чунки ҳар хил тери бор. Кремлар эса ким гадир ижобий таъсир кўрса-

Шунингдек, қуритилган шифобаҳи ўсимликлардан ҳам ишлатса бўлади. Бунинг учун арпабодиён (дорихоналарда сотилади) порошогига кераклигича водород пероксид қўшиб кўпиртирилади ва пахта билан юзга суртилади. 5-6 дақиқадан кейин тери ишикланади,

## ОФТОБДА ҚОРАЙМАЙ ОЕСАНГИЗ

тўғрагланган бир стакан петрушакни идишига солиб устига ярим стакан қайноқ суб қўйилади.


Петрушакни суб савигач доқада сузуб юзга суртилади. Биринчи ҳафта давомида ҳар куни шундай қилинади, кейин кун ора, ҳафтада бир марта қиласанги ҳам бу муолажа фойда бераберади.

Шуни унунтаслик керакки, гўзлаб ва латофатли кўриниш учун бошлаган муолажани узоқ ва қунт билан давом этишири зарур. Ана шундагина кутган натижага эршилади.

яди  
10-15 дақиқа ўтгандан сунг илик суб билан юваб ташланади. Юзга қатиқ ҳам суртса бўлади. Қатиқ суртгандан ҳам терининг мугуз қавати пўст ташлайди. Уни тоза юзга бир текис қилиб суркалади ва 10-15 дақиқа турилади, сунгра илик суб билан юваб ташланади. Сут-қатиқ маҳсулотларидан қилинган ниқоб юзни ажин тушишидан сақлайди, уни ҳар қандай тери учун ҳам ишилтаси бўллаверади.

Бодринг, қуултнай, помидор,

## “МАЙАМИ” СКАНВОРДИ



Тузувчи: Давронбек ТОЖИАЛИЕВ